Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

O`zingni angla!

№ 47 (557)
2007-yil
14-noyabr

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этмоқда.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

## «Андижонннома» таҳлилий йўналишни танлади



**_Қаерда жамоатчилик фаол бўлса, фикрини дадил ўртага ташлай олса, иллатларни фош этишдан чўчимаса, шак-шубҳасиз, ўша жойда тартиб-интизом изга тушади, қинғир ишлар йўли беркилади, адолат қарор топади..._**

⇨ 2-бет

## Беҳаловат Покистон

**_Аслини олганда, Покистондаги вазиятдан хавотирда бўлган халқаро ҳамжамият учун барқарорлик ва тинчликни сақлаш борасида Парвез Мушаррафдан ҳам муносиброқ номзод йўқ._**



⇨ 5-бет

## «Мустақиллик мени яшартирди»

**_— Тасвирий санъат кўргазмасида “Амир Темур” портретлари қаторида “Темурнинг ёшлиги”, “Соҳибқирон қурилишда”, “Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалабаси”, “Амир Темур Испания қиролининг элчи вакили Рюи Гонзалес де Клавихони қабул этиши” ва бошқа асарларим ҳам қуйилганди._**



⇨ 6-7-бетлар

**_23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни_**

# Халқ ҳамиша ғолибдир

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширишлари белгиланган.

Бундан кўриниб турибдики, фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳамда мамлакатимиз давлат вакиллик органларига бўлиб ўтадиган умумхалқ сайловларида иштирок этиш орқали, мамлакат Бош қомусида белгилаб берилган давлат ишларини бошқаришдаги ҳуқуқларни бевосита амалга оширадилар. Шунинг учун ҳам сайловларни демократиянинг кўзгуси деб айтишади. Бироқ, тарихдан шу нарса ҳам маълумки, давлат вакиллик органларини умумхалқ сайловлари асосида шакллантирилгани бу ҳали том маънодаги демократияни англатмайди. Мисол учун собиқ СССРнинг вакиллик органи бўлмиш “Олий Совет” ҳам ўз вақтида умумхалқ сайловлари асосида ташкил этилган. “Олий Совет”га ёки “маҳаллий Советлар”га ўтказилган сайловлар халқ иродасининг тантанаси сифатида бутун дунёга овоза қилинар эди. Аслида эса... Собиқ иттифоқ давридаги сайловларнинг ташкилотчиси ҳам, иштирокчиси ҳам КПССнинг ўзи бўлган. Демак, сайловдаги ғалаба ҳам унга тегишли эди. Сиртдан қараганда шўролар давридаги сайловлар эркин ва демократик тартиб тамойиллар асосида бўлиб ўтганлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмаган. Бу сайловларда нафақат ўзингиз учун керак бўлса “бутун оила аъзоларингиз учун ҳам овоз беришингиз мумкин” эди. Сайловларда иштирок этиш, овоз бериш, сайлаш, сайланиш, номзод танлаш эркинлиги “чегараланмаган”. Чунки, сайловлар эркин ва демократик принциплар асосида бўлиб ўтиши учун албатта кўппартиявийликка асосланиши, сайловларда муқобил номзодлар бўлиши ёки сайловлар очиқ ва ошкора ўтиши кераклиги оддий халқнинг тушига ҳам кирмаганди. Аниқроғи, бундай “туш кўриш”га ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган.

Хуллас, фуқаролар сайловларга қўлоёғи ипсиз боғлангандек келишар ва олдиндан сайланиши маълум бўлган “ягона партия”нинг “ягона ва муносиб номзод”ига овоз беришарди. Халқимизнинг том маънодаги демократик сайловларда иштирок этишлари, ўзларининг давлат ишларини бошқаришдаги ҳуқуқларини амалга оширишлари учун Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейингина кенг имкониятлар яратилди, десак асло муболаға бўлмайди.

Шунинг учун ҳам республикамиз мустақиллигининг биринчи кунларидан мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимни шакллантиришга устувор эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки, жамият тараққиётининг бугунги таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, илғор демократик мамлакатларда давлат бошқаруви ҳамда вакиллик органларининг шакллантирилишида, сиёсий партиялар алоҳида роль ўйнайди.

Давоми 5-бетда.

**Истиқлол одимлари**

**_Қашқадарё — мислсиз бойликларга ва имкониятларга макон бўлган юрт. Унинг бепоён далаларида пахта ва бошқа экинлар етиштирилади, ризқ-рўз ундирилади. Даштларида мамлакатимиз келажак тараққиёти, равнақи учун зарур ёқилғи-энергетика заҳиралари бисёр. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида эса маъданларнинг юзлаб турлари аниқланган._**



# Жаннатмакон, дурдона шаҳар

Улкан бойликлар макон тутган бу ўлканинг бош шаҳри — Қарши даштдаги ер усти ва ер ости бойликларининг ўзлаштирилишига бешик бўлган. Бойликларнинг йўлга туширилишига бош манба ролини ўтаган даштни ўзлаштириш, чўл ва барханлар узра яширинган бойликларни қидириб топиш, нефть ва газ қувурларини ётқизиш, Ўрта Осиёда энг йирик Толлимаржон ГРЭСини, чўлни суғориш учун Амударёдан тортиб келинган Қарши асосий канали ва канал бўйлаб қурилган энг ноёб насос станцияларини, XXI асрнинг мураккаб ва мукаммал бунёдкорлик ишларидан бири деб, тавсиф берилаётган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилиши Қарши шаҳридан бошланган. Бу улкан иншоотларнинг қурилишига Қарши шаҳри ва унда яшаётган инсонлар ҳам камарбаста бўлдилар.

Бугунги кунда мустақил Ватанимизнинг дурдонаси сифатида таъриф берилаётган Қарши шаҳри маълумки жорий йилда ўзининг 2700 йиллик юбилейини нишонлади, бу воқеа фақат Қашқадарё вилоятидагина эмас, балки мамлакатимиз миқёсида байрам сифатида тантанали ўтказилди.

Юртбошимиз айтганларидек, бу сана халқимизда ўзликни, миллий давлатчилигимизнинг бой анъаналарини чуқур англаш, ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган умуммиллий байрам сифатида эътиборга тушди. Шаҳарда юбилейга тайёргарлик борасидаги тадбирларни катта кўтаринкилик билан ўтказиш, ота-боболаримизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш, ёшларда ватанга муҳаббат, элюртга садоқат руҳини камол топтириш борасида ҳам ибратли имконларга бой бўлди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейини нишонлаш мақсадида ЮНЕСКО бош конференцияси 32 сессиясида қабул қилинган қарор Президентимизнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тарихга муҳрланиб қоладиган муборак лаҳзалар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ўтмишдан аёнки, қадим ва навқирон, бетакрор Қарши ўз тарихи давомида бир неча бор ажнабий босқинчилар томонидан топталиб, бир неча бор жафокаш халқимиз томонидан тикланди. Ўз даврида Никшапа, Нақшаб, Насаб номлари билан машҳур бўлди. Ҳозирги Қарши Марказий Осиёда Бухоро ва Самарқанд, Термиз, Тошкент, Хива ва Жиззах сингари азалдан дунёга танилган узоқ ўтмишга эга шаҳарлар сирасига киради.

Қадим Насаф диёрида фан ва маданият, ижтимоий ҳаёт ниҳоятда гуллаб-яшнаган. Бунга шу шаҳарнинг чор-атрофини ўраб турган серунум экинзорлар, бепоён яйловлар катта имкон яратган. Узоқ-яқиндан бу бой ўлкага катта қизиқиш билдирилган. Деярли ҳар куни Қаршига Ғарбу Шарқдан карвонлар оқими келиб турган. Бу юртларга қатнайдиган карвонлар ҳам Қарши орқали йўл олганлар.

Давоми 2-бетда.

**Имконият**

# Бойсун мўъжизаси

**_ёки Тўда конида сифатли тошкўмир ва брикет маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда_**

Мамлакатимизда бой кўмир захиралари мавжуд. Бу қазилма бойлик ўлкамизнинг асосан икки минтақасида жойлашган. Ҳозирда Ангрен конидан қўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсун конларидан эса тошкўмир қазиб олинмоқда.

Бойсун кўмир конида айни пайтда қазиш ишлари икки йўналиш бўйича олиб бориляпти. Мутахассислар “Жанубий” майдондан ташқари “Марказий ва Шарқий” майдонларда 29 миллион тонна ўта сифатли бўлган тошкўмир борлигини аниқладилар. Бойсун кўмир конлари захиралари ғарб томонга қараб салкам 125 километрга чўзилган. Кўҳитанг тоғ этакларига борганда кўмир қатламининг қалинлиги 25-30 сантиметр бўлса, шарқ томондаги кўмир қатлами 2 метрдан 18 метргача етади. Демак, Бойсун кўмир конида ишлар тўлиқ қувват билан амалга оширилса, она замин бағридаги бойликдан халқимиз узоқ йиллар мобайнида фойдаланиш имконига эга бўлади. Конда кўмир қазиб олиш ёпиқ усулда бажарилади, яъни махсус мосламалар ёрдамида портлатилиб вагончалар билан ташқарига олиб чиқариларди. Натижада маҳсулотнинг сифати йўқолиб, 70-80 фоизи кулга айланарди. Ўз-ўзидан маълумки, сифатини йўқотган кўмир харидор ва истеъмолчиларнинг талабига жавоб бера олмайди. 58 миллион сўм маблағ ҳисобига кичик брикет фабрикасининг қуриб ишга туширилиши билан сифат ва самарадорлик анча кўтарилди. Энг муҳими,қазиб олинаётган кўмирдан ортиқча чиқит чиқмайди. Янги корхонанинг афзаллиги ҳам ана шунда. Эндиликда ишлаб чиқарилаётган кўмир-брикет 2 килограмм оғирликда ғишт шаклида бўлиб, ўта сифатлилиги билан жуда ҳам харидоргир бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки, бошқа ҳудуд конларидаги брикетга мазут қўшилади. Қўшилган маҳсулотдан қўланса ҳид тарқалиб, олов йўлларини қукун босади. Бойсун кўмирига эса бентонит маҳсулоти ва Денов ёғ заводидан совун чиқиндиси ҳисобланмиш махсус аралашма қўшилади. Маҳаллий маҳсулот аралашмаси билан тайёрланган кўмир экологик жиҳатдан тоза ҳисобланиб, атроф-муҳитни бир қадар зарарланишдан ҳам асрайди.

Мутахассисларнинг фикрича, қазиб олинаётган кўмир 8-200 килокаллориягача иссиқлик беради. Шунинг ўзи ҳам Бойсун кўмирининг сифати жуда юқори эканлигидан дарак беради. Маълум бўлишича, Бойсун кўмирининг таркибида жуда муҳим бўлган кўмир кокси, кўмир электроди, карбит-кальций моддалари мавжуд.

Навоийдаги электрокимё заводи лабораториясида ўтказилган тажрибаларда Тўда кўмир конидан энг сифатли активлашган кўмир олиш мумкин эканлиги аниқланган. Яъни 10 тонна маҳсулотдан 3 тоннагача активлашган кўмир олиш мумкинлиги илмий ва амалий жиҳатдан исботланди. Ҳозирда ана шундай активлашган кўмирга Ўзбекистоннинг эҳтиёжи 1,5-2 минг тонна атрофида бўлиб, асосан хориждан келтирилмоқда. Активлашган кўмирнинг 1 тоннаси жаҳон бозорида 1500 дан 4000 долларгача баҳоланар экан. Ҳолбуки, юқори сифатли активлашган кўмирни Бойсунда ҳам тайёрлаш имконияти мавжуд. Дарвоқе, бу ноёб маҳсулот озиқ-овқат, тиббиёт, енгил саноат, ҳарбий техника, радио техника учун ҳам жуда керак.



Тўда кўмир кони билан хорижий ишбилармонлар ҳамиша қизиқишган. Масалан, бундан 10-15 йил муқаддам кўпгина хорижлик ишбилармонлар йилига 500 минг тонна кўмир ишлаб чиқарадиган корхона қуришни таклиф қилган эдилар. Бироқ коннинг темир йўлдан узоқ масофада жойлашгани ушбу лойиҳани амалга оширишга имкон бермасди. "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" янги темир йўлининг барпо этилиши эса бу каби ишларга кенг йўл очди. Агар мазкур темир йўл линияси Тўда кўмир конига туташтирилса, ҳақиқий Бойсун мўъжизаси рўй бериши, шубҳасиз.

Натижада, халқимиз ва хорижий истеъмолчиларга йилига минг-минг тонналаб сифатли тошкўмир ва брикет маҳсулотлари етказиб берилади. Шу билан бирга мамлакатимиз эҳтиёжи учун хориждан келтирилаётган активлашган кўмир ҳам айнан Бойсунда ишлаб чиқарилади.

Яна шуни айтиш қувончлики, ҳозирда ушбу кўмир конидан атиги тўрт километр узоқликда кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда цемент заводи қуриш учун амалий ишлар бошланиши кўзда тутилмоқда. Тўда кўмир конида эса айни чоғда кунига 15-20 тонна кўмир ҳозир қазиб олинаётган бўлса, замонавий технологиялар жорий қилинса, ҳар куни 300-400 тонна маҳсулот қазиб олиш мумкин бўлар экан.

Мутахассисларнинг аниқлашича, ушбу кон захираси 100 йилга етади.

Ҳа, истиқлол туфайли мўъжизаларга бой юртимизнинг бойликларини қазиб олиш, ундан самарали фойдаланиш имконияти яратилмоқда.

**Шерали ҚОДИРОВ,**
**“Ҳуррият” мухбири.**

**Хабарлар**

# Ўзбек санъати намойиши



Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан Франция пойтахти Париж шаҳрида ўзбек маданияти ва санъати намояндалари иштирокида қатор учрашув ва кўргазмалар ўтказилди. Халқимизнинг бой маънавий меросига бағишланган тадбирлар ЮНЕСКО, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Дунё тамаддунига жуда катта ҳисса қўшган Самарқанд шаҳри бугун ҳам бетакрор меъморий ёдгорликлари, бой маданияти ва улуғвор санъати билан халқаро жамоатчилик эътиборини жалб этиб келмоқда. Қадимий ва навқирон шаҳар ўзбек давлатчилигининг нечоғли мустаҳкам илдизларга эга эканини намоён этади.

ЮНЕСКО бош қароргоҳида ўтган тадбирлар яна бир бор ўзбек халқининг юксак маънавий бойликларини намойиш этиш имконини берди. Эл ардоғидаги санъаткорлар иштирокида ўтказилган гала-концерт томошабинларда катта таассурот қолдирди. Концерт дастурида миллий қўшиқлар ва рақслар ижро этилди, театрлашган томошалар орқали халқимизга хос анъана ва урф-одатлар кўрсатиб берилди. Тадбирда иштирок этган дипломатлар, санъат ва маданият арбоблари ўзбек санъати намояндалари чиқишини юқори баҳоладилар.

Хусусан, анжуманда сўз олган ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Георгиос Анастасопулос қадим даврларданоқ Шарқу Ғарбни боғлаб келган кўҳна маданият маскани — ўзбек замини бугунги кунда ҳам дунё цивилизацияси тараққиётида ўз ўрнига эга эканини таъкидлади.

Тадбирлар доирасида ЮНЕСКО кўргазмалар павильонида ўзбек халқ амалий санъати намуналари намойиши ҳам ўтказилди. Халқ донишмандлиги ифодаси бўлган миниатюра асарлари, ҳунармандчилик буюмлари, миллий кийимлар кўргазмаси меҳмонлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

**Элёр ЭҲСОНОВ**

**_Кеча пойтахтимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида ўрнини ошириш масаласига бағишланган семинар-тренинг бошланди._**

## Гендер мавзусига бағишланди

Уч кун давом этадиган тадбир давомида мутахассислар гендер мавзусида илмий тадқиқотлар олиб бориш, маърузалар тайёрлаш бўйича билимларини мустаҳкамлайдилар.

Сўнгги пайтларда юртимиз хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ошиб бормоқда. Ўз билими ва имкониятларини эркин намоён этаётган аёллар мамлакат тараққиётига муносиб улушларини қўшмоқдалар. Айни шу мақсадда БМТнинг Ривожланиш дастури ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқдалар.

Айтиш керакки, Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳужжатлар, хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган CEDAW конвенцияси талабларини изчил бажариб келмоқда. Семинар-тренинг давомида иштирокчилар мазкур йўналишдаги халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Нигора ҒОЙИПОВА**

## Ҳаво тўлқинларида

### "Шумбола"ни тинглаймиз

Қоравойни илк бор китоб ўқиб таниган эдик. Кейин уни экранда кўрдик. Яқинда эса севимли қаҳрамонимизнинг овози ҳам доимий ҳамроҳимиз бўлади, шекилли. Боиси "Yoshlar" радиоканали ёзувчи Ғафур Ғулом қаламига мансуб "Шумбола" асари асосида тайёрланаётган радиосериал устида иш олиб боряпти. Мазкур сериал шу йилнинг декабрь ойидан бошлаб эфирга узатилиши режалаштирилган.

### Бола тилидан

Ёш бола ўзи билмаган ҳолда катталар учун катта ҳақиқатларни очиб бериши мумкин. "Yoshlar" уларнинг тили орқали тингловчиларни ҳали ўйлаб кўрмаган воқеалари ҳақида фикрлашга ундайди. "Беғубор нигоҳ" номли кичик эшиттириш мурғак қалбларнинг "жиддий" саволлари ёки бетакрор туйғуларининг ифодаси билан мухлисларга завқ улашиб келмоқда.

### "Yoshlar"да беш ҳикмат"

Шундай фикрлар борки, улар исбот талаб этмайди. Буни халқ мақолларида кўриш мумкин. "Yoshlar" радиоканали миллат тил бойликларини соф сақлашга кўмаклашиш мақсадида эрталаб соат $9^{00}$ дан тушгача қўшиқ ва эшиттиришлар орасида ҳикматли сўзларни тингловчиларга ҳавола этмоқда. Соат $14^{00}$ да бошланадиган радио ўйинда эса айтилган барча мақолларни тўғри такрорлаган мухлислар тақдирланади.

### "Mash'al"да арафа

Бош Қомусимизнинг 15 йиллиги арафасида "Mash'al" радиоканали ҳам доимий эшиттираётган "Конституцияни ўрганамиз" кичик лойиҳаси билан бирга яна бир радиоэшиттиришни йўлга қўйди. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни соат $10^{00}$ да эфирга узатилаётган "Бахтимиз қомуси" номли 15 дақиқали эшиттиришда халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси таҳлил этилади. Унда Тошкент давлат юридик институти ўқитувчилари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этиб келмоқда.

### Шу куннинг мавзуси

«O'zbekiston» телерадиоканалида номи сарлавҳа ўрнида келтирилган эшиттириш ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари соат $15^{30}$ да эфирга узатилади. Унда бевосита мулоқот тарзида куннинг энг долзарб мавзуси юзасидан баҳс юритилади.

Эшиттиришнинг кейинги сони 14 ноябрда "Халқаро қандли диабет касаллигига қарши кураш куни"га бағишланиши мўлжалланган. Унда республика эндокринология илмий текшириш институти директор ўринбосари Зоир Акбаров ҳамда шу институт шифокори Зулайҳо Шомансурова иштирок этиши кутиляпти. Улар тингловчиларнинг саволларига тўғридан-тўғри эфирда жавоб беришади.

Шундай қилиб, бир-биридан қизиқарли эшиттиришларни радиотўлқинлардан эшитинг ва ўтказиб юборманг!

**Ситора ТОЖИДДИНОВА**

Матбуот

# "Андижоннома" таҳлилий йўналишни танлади

***Жамиятимизда ислоҳотлар олиб борилаётган қизғин пайтда ҳақиқий қалам аҳлининг атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлишга сира ҳаққи йўқ. Шиддаткор давр жараёнларни кенг кўламда, атрофлича таҳлил этиш талабини қўймоқда.***

"Андижоннома" газетаси муҳаррири ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдумутал Абдуллаев қуйидагича ёзади:

— Тўғри, андишали, сабр-бардошли, узоқни ўйлаб иш юритадиган одамлармиз. Лекин, камчиликларга индамай, ўз муносабатимизни билдирмаслик, ўша нуқсоннинг томир отиб урчишига қулай шароит яратишини ҳам унутмаслик керак-да! Умуман, қаерда жамоатчилик фаол бўлса, фикрини дадил ўртага ташлай олса, иллатларни фош этишдан чўчимаса, шак-шубҳасиз, ўша жойда тартиб-интизом изга тушади, қинғир ишлар йўли беркилади, адолат қарор топади...

Дарвоқе, газета ижодий ходимлари сўнгги пайтларда жамоатчилик фикрини уйғотиш борасида танқидий-таҳлилий йўлда кўплаб чиқишлар қилишяптилар. Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов газетанинг ана шу йўналишда дадил чиқишларини қўллаб-қувватлаётир. Мақсад — вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган жараённи рўй-рост кўрсатиш, таҳлил этиш.

Хусусан, таҳририятнинг қишлоқ хўжалиги бўлими мудири, иқтидорли журналист Қобилжон Асқаров "Ниқоб ва у қолдирган асоратлар" танқидий мақоласи билан бу йўлда дадил қадам ташлади. Муаллиф кўп йиллик кузатишларига суянган ҳолда умри тугаб бўлган ширкат хўжаликлари ва фермерлик ҳаракатига қўйилаётган сунъий тўсиқлар хусусидаги мулоҳазаларини очиқ-ойдин ифода этди.

Шунингдек, унинг "Қонун баҳонасидаги бузғунчилик", "Хўп деб қутилдим", "Отингни сот, молингни сот, суд ижрочиси бўл" каби танқидий мақолаларида тугатилаётган ширкат хўжаликлари мол-мулкини ноқонуний талон-торож қилиниши кечириб бўлмас жиноят эканлигини кескин танқид остига олди.

Журналист Тўлқин Сиддиқ "Оғриқ сўгал" мақоласида Андижон шаҳридаги "Ҳақиқат" ва ўнга яқин бўлган "Тожик" маҳаллаларда гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилиниши ҳақида ёзади. Муаллиф мутасадди орган ходимларини, кенг жамоатчиликни масалага жиддийроқ ёндашишга ва кескин чоралар кўришга чақиради. Мақолада "аср вабоси" бўлган гиёҳвандликдан азият чекаётган одамларнинг аянчли тақдирлари ҳаётий мисоллар билан атрофлича очиб берилган.

Ўтган 2006 йилда Андижон вилоятида 93 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бу жараён "Бой бўлиш осон эмас", "Деҳқон тўғри сўзнинг гадоси", "Кетмонингиз борми, фермер?", "Фермер топганини орқалаб кетмайди", "Поклик сари қадам" каби таҳлилий чиқишларда ўз аксини топди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил "Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаган эди. Бунга кўра, пахта ёғи, ун, шакар каби озиқ-овқат маҳсулотларига давлат томонидан белгиланган нарх сақланиши лозим. Йил мобайнида мазкур талабнинг мавзусида "Нарх-навони ким назорат қилади?", "Ўроқда йўқ машоқда йўқ... бозордан топасиз", "Оқ ун ортидаги қора қилмишлар", "Дўконларда нега ун танқис?" каби танқидий материаллар берилди.

Албатта, ушбу чиқишлар беиз кетмади. Танқидга олинган ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари кўрилган чоралар ҳақида ҳозиржавоблик билан муносабат билдирдилар. Камчиликларга барҳам берилди.

Журналистлардан Нажмиддин Эргашев, Илҳомжон Эгамназаров ва Ғолибжон Абдуллаевларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва савдо хизматидаги салбий кўринишларга оид танқидий чиқишлари алоҳида эътиборга молик бўлаётир.

Хуллас, бугунги кунда вилоят ҳокимлиги нашри ҳисобланган "Андижоннома"нинг бирор сони йўқки, унда танқидий, таҳлилий мавзуга ўрин берилмаган бўлса. Президентимиз Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табрикларининг бирида "Журналист барча жумбоқ ва чигал муаммоларни ечишга жонбозлик кўрсатадиган, халқимизнинг кўзини очадиган, эл-юртлараро маърифат ва зиё тарқатадиган етук, жасур ва фидойи инсон", дея таъкидланганди. Демак, бу юксак эътироф ва ишонч учун юртимиздаги ҳар бир матбуот нашри, журналист биринчи навбатда ҳалол, уйғоқ ва холис бўлиши, тинимсиз изланмоғи лозим бўлади.

**Анваржон ҲАЛИМОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири.**

Қонун барчага баробар!

# ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ

## Ёки хорижий валюта билан боғлиқ жиноятлар хусусида

**Одамзотга Яратган томонидан нафс аталмиш хилқат берилган. Асов отдан ҳам ўжарроқ, уммон сувидан ҳам шиддатлироқ нафсга эрк берилса, ўз соҳибини тубсиз жарга қулатиши мумкин. Лекин барибир ҳаммаси инсон иродаси, қатъияти ва матонатига боғлиқ. Кимдир заковат кучи билан ўз қалбида яширинган душманни дўстга айлантиради. Эзгу амаллар учун туҳфа этилган умрдан унумли фойдаланиб, элу юрт корига ярайдиган хайрли ишлар қилади. Яна кимдир худбинлик ва жиноят ботқоғига ботиб, бор куч-салоҳиятини қинғирликларга сафарбар этади.**

Агар очиқ осмонда учаётган "темиртан қуш" – самолётнинг парвозига эътибор берсангиз, изчиллик ва узвийликдан ҳайратга тушасиз. Улкан машинанинг юзлаб қисмлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳаракат қилади. Самолётнинг митти мурвати ҳам ўз вазифасига эга. Худо кўрсатмасин, арзимас бўлиб туюлган носозлик, бирор қисмнинг ишдан чиқиши улкан ҳаво кемаси ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин. Қатъий қонуниятга асосланган ана шу изчиллик бўлмаганида эди, бир неча тонналик баҳайбат машина, эҳтимол, ҳавога бир газ ҳам кўтарила олмаган бўлур эди.

Жамият иқтисодиёти самолёт парвозидан ҳам мураккаброқ, нозикроқ ҳаракат тизимига эга. Сон-саноқсиз қисмлар ўзаро боғлиқ ҳолда иш юритса, мувозанат қоидасига риоя этилса, олға силжиш бўлади. Бироқ жамият иқтисодиётининг илгарилама ҳаракатига тўсиқ бўладиган ҳодисалар ҳам рўй бериб туради. Хусусан, турли иқтисодий жиноятларга қўл урадиган шахслар ўз қилмишлари билан тараққиётга акс таъсир кўрсатадилар.

Сир эмаски, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, миллий валютанинг қадр-қиммати ва аҳоли фаровонлиги кўп жиҳатдан давлат валюта захирасининг қудратига боғлиқ. Шу боис ҳам, валюта муносабатлари давлат эътиборидаги масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти маълумотларига қараганда, юртимизда охирги йилларда валюта билан боғлиқ кўплаб ҳуқуқбузарликлар аниқланмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида хорижий валютани ноқонуний муомалага киритиш бўйича 499 та ҳолат қайд этилган. Аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг 239 таси бўйича жиноий, 260 таси бўйича маъмурий иш қўзғатилган.

Зикр этилган жиноятлар орасида хориж валютасининг ноқонуний олди-сотдиси салмоқли ўрин эгаллайди. Тасаввур қилинг, сизга маълум миқдорда хориж валютаси керак бўлиб қолди. Хўш, бунинг учун кимга мурожаат қилишни маъқул кўрасиз: қора бозорда қонун таъқибидан яшириниб савдо қилаётган "учар" валютафурушгами ёки давлат томонидан махсус ваколат берилган банкларгами? Албатта, қонун ва мамлакат манфаатига ҳурмат билан қарайдиган, ўз хотиржамлигини қадрлайдиган ҳар бир киши жиноятни рағбатлантирмаслиги, аксинча, белгиланган тартиб бўйича банкларга мурожаат этиши турган гап. Лекин кўп ҳолларда оддий фуқаролар ҳам билиб-билмай ноқонуний савдо иштирокчиси бўлиб қолмоқдалар. Ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шуғулланиб, бели оғримасдан пул топишга ўрганиб қолган кимсаларнинг эски ҳунарини ташлаши ҳам жуда қийин кечмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Ш. Абдиев 10000 АҚШ долларини харидор З. Сидиқовга 12 млн. 650 минг сўмга қонунга хилоф равишда сотаётган пайтда ушланди. Фуқаролар Ойбек Махаматов ва Эркин Мақсудовлар ҳам пойтахт ҳудудида Н.Ирисовага 7000 АҚШ долларини 8 млн 960 минг сўмга пуллаётган вақтда қўлга олинган. Ноқонуний савдо билан боғлиқ бундай ҳолатлар кунда-кунора қайд этилади. Одамни ўйга толдирадиган жиҳати ҳам ана шу ерда: нима учун давлат томонидан ваколат берилган банклар турган бир пайтда айрим фуқароларимиз қора бозорга боришни афзал билмоқдалар? Бу ҳолатни фақатгина қонун талабини билмаслик, ҳуқуқий билимларнинг етишмаслиги билан изоҳлаш тўғримикин?..

Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчи эдик. Айни пайтда дунёнинг ривожланган мамлакатлари, шу билан бирга МДҲнинг айрим давлатларида хусусий айирбошлаш шохобчалари фаолият юритади. Мазкур давлатларда белгиланган тартиб бўйича валюта айирбошлаш фаолияти билан шуғулланишни истаган хусусий тадбиркор ваколатли идорага мурожаат қилади. Тегишли талабларга жавоб берадиган шахсларга ушбу фаолият билан шуғулланиш учун лицензия тақдим этилади. Бизнингча, мамлакатимизда ҳам ривожланган давлатларнинг ана шу тажрибасини қўллаш вақти келганга ўхшайди. Хусусий тадбиркорларнинг валюта савдоси билан шуғулланишини қонунийлаштириш, бир томондан, бу борадаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этса, иккинчи томондан, давлат бюджетига маълум миқдорда тўловлар келиб тушишини ҳам таъминлайди.

Ноқонуний валюта сотиб кун кўраётган шахс ўз қилмиши билан мамлакатнинг валюта фондига зарар етказаётганини хаёлига ҳам келтирмаса керак. Давлатнинг иқтисодий барқарорлигини белгилаб берадиган мазкур фонд валюта савдоси тўловлари ҳисобидан шакллантирилади. Демак, даромадларини яшираётган ва "енг ичида" хориж пуллари ёхуд қимматбаҳо қоғозларни сотаётган шахс захира фондига ўз улушини қўшмагани етмагандек, иқтисодий барқарорликка ҳам тўғаноқ бўлаётир.

Сўнгги йилларда юртимизда валюта бозорини эркинлаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2003 йилнинг 15 октябрида жорий операциялар учун сўмни эркин алмаштириш йўлга қўйилганини эслаб ўтиш кифоя. Конвертациянинг жорий этилгани хориж сармоялари миқдорини оширди, мамлакатимизнинг экспорт-импорт муносабатларини кенгайтирди. Бу жараёнда юртимиздаги банклар зиммасига алоҳида масъулият юклатилганини таъкидлаш лозим. Чунки миллий валютамиз барқарорлигини сақлаш, даромадлар ўсишини таъминлаш кўп жиҳатдан мазкур молия муассасаларининг самарали ишлашига боғлиқ. Лекин афсуслар бўлсинки, катта масъулият ва ваколат эгаси бўлган банк ходимлари орасида ҳам валютага оид жиноятларни содир этаётганлар учрамоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида банк ходимлари иштирокидаги ўн бешта жиноят аниқланди ва 140,4 АҚШ долларининг ноқонуний айланишига чек қўйилди. Бундай жиноятлар Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, "Ипотекабанк", "Савдогарбанк", "Пахтабанк", Халқ банки ва "Туронбанк" тизимига кирувчи муассасаларда кузатилган.

Халқ банкининг Тошкент шаҳри Яккасарой тумани бўлими етакчи мутахассиси Ф. Қуватов дурустгина ишлаб келаётган эди. Лекин доллар сотиб бойиб кетаётганлар ҳақидаги овозалар унинг ҳам тинчини бузди. Оддий фуқаролар эвини қилиб, доллар топиб сотишса-ю, бу юмушни банк ходими бўла туриб у эплолмайдими? Ҳар бир банк ўз мижозларига сотиш учун белгиланган миқдорда хориж валютаси ажратиши маълум. Ф. Қуватов ажратилган ана шу маблағдан бир қисмини ўзининг хос мижозига ўтказишга қарор қилди. Операцияни якка ўзи амалга оширишига кўзи етмагани учун банкнинг операциялар бўлими 2-тоифали мутахассиси Н. Узоқовани ҳам ёрдамга – шерикликка чақирди. "Менга валюта керак" деган харидордан кўпи борми, бу орада ана шундай мижозлардан бири ҳам топила қолди. Бироқ Халқ банкининг икки ходимига ноқонуний савдодан тушажак фойда насиб этмади. Ҳар икки "ишбилармон" фуқаро З. Сидиқовга 10000 АҚШ долларини 12,9 миллион сўмга сотаётган пайтда қўлга олинди.



"Пахтабанк"нинг Навоий вилояти Конимех тумани филиали мансабдорлари ҳам мўмай даромад илинжида ноқонуний фаолиятга қўл уришди. Фойдани бегона қилгиси келмаган уддабуронлар бу йўлда ҳужжатларни сохталаштиришдан ҳам қўрқишмади. Шу тариқа 2005-2006 йиллар мобайнида ҳамда жорий йилнинг тўрт ойида етти нафар фуқаро номига 27650 АҚШ доллари сотилгани тўғрисида сохта маълумотномалар расмийлаштирилди. Аслида эса жуда кўп миқдордаги валюта маблағи қонунга хилоф равишда, банкирлар учун яхши нархларда бошқа шахсларга пулланган эди.

"Ипотекабанк"нинг Сирдарё вилояти филиали мансабдорлари ҳам валютанинг ноқонуний савдосини "тадбиркорлик"ка айлантириб юборишди. Мансаб ваколатини суиистеъмол қилган банкирлар 2006 йил ва жорий йилнинг уч ойи давомида тўрт нафар фуқаро номига 21000 АҚШ доллари расмийлаштиришди. Сирдарёлик уддабурон банк ходимларининг иш услуби жуда оддий ва самарали эди. Дастлаб хориж валютасини шунчаки номига расмийлаштирилиб қўйиш учун бирор киши топилади. Агар беминнат ёрдамчи банк ишининг синоатларига тиши ўтмайдиган оми бўлса яна яхши. Дарвоқе, хориж пулини ўз номига ҳужжатлаштиришга рози бўлиши учун фуқарога баъзан хамир учидан патир қабилида озроқ иқтисодий ёрдам ҳам кўрсатилган. Шундай қилиб, алдов ва фириб йўли билан сохта ҳужжатларга фуқароларнинг имзоси ҳам қўйдириб олинган. Бу ёкда эса олдиндан тайинланган ҳамкорларга хориж валютаси етказилган.

Қонун майда балиқлар илиниб, катталари қутилиб кетадиган тўр эмас. Жиноятчи, у оддий фуқароми, ташкилот раҳбари ёхуд мансабдор шахсми, ким эканидан қатъи назар, барибир қонун таъқибидан қочиб қутула олмайди. Ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб хориж валютаси "бизнес"ига қўл ураётган банк ходими ҳам ана шу ҳақиқатни унутмаслиги керак.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларнинг маҳсулотларни қонунга хилоф равишда хорижий валютада сотиш ҳолати ҳам бот-бот учраб турибди. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида бундан ҳолатлар бўйича 109 та жиноят иши қўзғатилган. Ноқонуний ҳисоб-китобни амалга оширганлардан жами 881 миллион сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилган.

"Xalik Agrotexservis" МЧЖ ҳисобчиси Р. Дадахонов харидор Х. Носировга ўн тонна Хитойда ишланган электродни 7550 АҚШ долларига пуллаган. Агар ушбу олди-берди муносабати қонун доирасида бўлганида эди, томонларга ҳеч қандай эътироз ҳам билдирилмасди. Лекин хориж валютасида муомала қилаётган ҳисобчи савдонинг энг оддий қоидаларини ҳам назар-писанд этмаган: сотилган маҳсулот учун на чек ёзиб берган, на квитанция. Қилмиши ортидан жавобгарликка тортилишини эсдан чиқарган Р. Дадахонов маҳсулотларни кўзланган манзилга бехатар етказиб олиш учун харидорга сохта шартнома, қалбаки ҳисоб фактура ва ишонч қоғози ёзиб беришга ҳам журъат қилган...

Хорижий валютанинг ноқонуний равишда четга чиқиб кетиши мамлакат иқтисодиётига таъсир этмасдан қолмайди. Албатта, давлатнинг умумий даромадлари олдида четга кетаётган валюта бойликлари арзимасдек бўлиб туюлади. Лекин иқтисодиётда шундай олтин қоида бор: зарарнинг катта-кичиги бўлмайди. Боз устига, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур, деб бежиз айтишмаган.

Тез ва кўп фойда кўришни кўзлаган олғир фуқаролар одатда даромадларини яшириш, камроқ кўрсатишга уринишади. Гулистон шаҳридаги "Севинч Текин Текстиль" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси раҳбари Т.Матқосимов ҳам жиноятнинг ана шу синалган усулидан фойдаланди. У 2005 йилнинг сентябрь ойидан 2006 йилнинг августига қадар иккиламчи ҳисоб-китоб юритиб, жами 30 млн. 752,1 минг сўм даромадни солиқ ва бошқа тўловлардан яширган. Бу ҳам етмагандек, нақд пулни банкка топшириш тартибига ҳам риоя этиб ўтирмаган. Қўлида тўпланган 49 млн. 878,7 минг сўм нақд пулни банкка топшириш ўрнига 42435 АҚШ долларига айирбошлаб, валютани Western Union орқали корхона таъсисчиси Мехмет Текинга – Туркияга юборган. Жаноб Текин солиқ ва тўловлардан бўйин товлаш эвазига, текиндан келган маблағни миннатдорлик билан олгани аниқ. Т.Матқосимов уддабуронлиги учун туркиялик катта раҳбарнинг мақтовини эшитган бўлса ҳам бордир. Лекин бу гал ҳам жиноят келтирган омад ва даромад муваққат бўлиб чиқди...

Қайсики давлатнинг экспорт салоҳияти кучли бўлса, ўша мамлакат иқтисодиёти қудратли, рақобатбардош бўлади. Лекин экспорт кўрсаткичлари ошиб борса-ю, бу жараёнда шартномалар тўловларининг қонунийлиги, хусусан, валюта операциялари ҳаққонийлиги таъминланмаса, рақамларнинг ошиб бориши ҳам амалий натижага таъсир этмайди. Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, корхоналар валюта операциялардан тушган даромадини банкка мажбурий сотиши, соддароқ айтганда, ҳисоб рақамига ўтказиши керак. Бироқ, афсуски, бу тартибга кўп ҳолатларда риоя этилмаяпти. Қуйидаги жиноий иш ҳам дастлаб валюта тушумларини яширишдан бошланган, кейинроқ эса кимёдаги занжирсимон таъсир каби қатор ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарган.

Хусусий тадбиркор Ирина Шелягинанинг фаолияти дастлаб кўпчиликнинг эътиборини ҳам жалб этмагани табиий. Сабаби, у раҳбарлигидаги "Shelyagina I" масъулияти чекланган жамияти... қўй ичакларини тозалаш ва сотиш билан шуғулланган. Лекин одамлар назарига тушмаган ичак савдосидан пул пулга уриштиришнинг ҳадисини олган аёл жуда катта даромад олган. Маълум бўлишича, Европа мамлакатларида колбаса фақат табиий маҳсулотлардан, хусусан, қўй ичагидан тайёрланади ва шу боис ҳам мамлакатимизда "деҳқончилик" бўлган ана шу маҳсулотга у ерларда талаб жуда ҳам юқори. Ана шу юқори талабни ўз вақтида англаган И. Шелягина Ўзбекистондан тозаланган ичак экспорт қилишни йўлга қўйди. Агар тадбиркор ўз фаолиятини ғирром ва фириб йўлларга кирмасдан қонуний асосда олиб борганида, фақат олқиш олган бўлар эди. Лекин бор ақлини қонунни айланиб ўтган ҳолда даромад топишга сарф этган, ўз мамлакати олдидаги фуқаролик масъулиятини унутган аёл ҳақида ижобий фикрлар айтиш амри - маҳол.

Халқимизда "кўр кўрни қоронғида топади" деган гап бор. Бу ибора ғараз ниятли кишилар бир-бири билан ҳамтовоқ бўлган пайтда қўлланилади. Савдо соҳасидаги алдов ва фирибнинг устаси бўлиб кетган И.Шелягина ҳам тез орада ўзи каби ғирром ҳамкорларни "қоронғида" топиб олди. Яна денг, хориж фуқаролари орасидан. Ўзбекистонга мўмай пул топиш илинжида келган чет эллик ишбилармонлар — суриялик Омран Айман Муҳаммад Диб ("Avrora savdo" фирмаси раҳбари), туркиялик Налчажи Халил ("Ozsabrkoya" фирмаси раҳбари), Кайя Адил ("Kaya Darm" фирмаси раҳбари)ларга И.Шелягинанинг иш услуби жуда ҳам маъқул келиб қолди. Даромадларини имкон қадар солиқ идораларидан яширадиган, экспорт маҳсулотларини тегишли ташкилотлар рухсатисиз сотиб келаётган, боз устига, валюта тушумларини ҳам усталик билан беркитишнинг уддасидан чиқаётган аёл баайни улар қидирган ҳамкор эди. Шундай қилиб ўзаро манфаатли "ҳамкорлик" бошланиб кетди.

Қонунчилик талабига кўра, хориж фуқаролари маҳсулот экспортини йўлга қўйиш учун ваколатли идорадан рўйхатдан ўтишлари, валюта тушуми Ўзбекистонга қайтишини таъминлашлари керак бўлади. Мазкур талабдан қочиш учун хорижлик ҳамкорлар хусусий тадбиркор мақомига эга бўлган И.Шелягинадан унумли фойдаланишди. Келишувга кўра, савдо соҳасида кўпни кўрган аёл Ўзбекистондан ичакни олиб чиқиб кетиш муаммосини ҳал этиши, хорижликлар эса Европа ва Осиё давлатларида харидор топишлари керак эди. Иш юришгандан юришиб кетди. И.Шелягина ичак маҳсулотини тозалаб, аэропортдан ўтказишгача бўлган босқичга жавоб берар, хориждан мижоз топиш эса туркиялик ишбилармонлар зиммасида эди.

Экспорт жараёнида жиноий гуруҳ солиқ ва тўловлардан қочиш учун маҳсулот нархини атайин тушириб кўрсатган. Масалан, килоси 25 АҚШ доллари бўлган ичак маҳсулоти қоғозда 50 цент (!) деб кўрсатилган. Бир жиноят ҳар доим иккинчисини етаклаб келади. Даромадларни яшириш ҳужжатларни сохталаштиришга йўл очган. Бунга божхона тўловларидан бўйин товлаш, валюта савдоси тартибини бузиш қўшилган. Бир неча йил давомида муваффақиятли ишлаб келган гуруҳ томонидан 300 тоннага яқин ичак маҳсулоти ноқонуний равишда хорижий давлатларга сотилган. Энг ашаддий фирибгар ҳам ҳар доим ўзини софдил қилиб кўрсатишга уринади. Ҳалолу пок ишбилармон ниқобини кийган И.Шелягина ҳам ана шу йўлни тутди.

Ўзбекистондан хорижга чиқаётган барча маҳсулотлар валюта шаклида қайтиши керак. Буни таъминлаш учун эса экспорт шартномаларининг божхона назоратига тақдим этилиши талаб қилинади. Лекин И.Шелягина ва унинг ҳамтовоқлари томонидан хорижга чиқарилган маҳсулотдан олинган жуда катта миқдордаги валюта бойлиги Ўзбекистонга қайтмаган. Миллионлаб евро маблағ хориждаги ҳисоб рақамларга ўтиб кетган. Шу тариқа жиноий гуруҳ томонидан тахминан 10 884 195 АҚШ доллари миқдоридаги тушум яширилган.

Кимки жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, уни тўхтатмаса, жиноятни рағбатлантирган бўлади. Бу ўринда "Тошкент аэро" божхона маскани ходимлари ҳам ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганларини айтиб ўтиш жоиз. Божхона вакиллари қонунда кўзда тутилган тартибда жиноятчилардан экспорт шартномаларининг банкда рўйхатга олинишини талаб этмаганлар, маҳсулотлар нархини ҳам назоратга олмаганлар.

Айтиш керакки, мазкур жиноий иш механизмини таҳлил этиш жараёнида айрим норматив ҳуқуқий ҳужжатларимизга ўзгартиришлар киритиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 19 сентябрдаги қарори билан 1999 йил 15 апрелдаги "Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорга ўзгартириш киритилди. Шунингдек, ҳукуматнинг мазкур санадаги қарори билан мамлакатимиз божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги махсус Низом ҳам тасдиқланди. Норматив ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар бу каби иқтисодий жиноятларнинг такрорланишига йўл қўймайди.

Халқимизда ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деган нақл бор. Дарҳақиқат, қинғир йўллар, алдов ва фириб билан бойлик орттиришни кўзлаган ва қилмишини ўзгалар назаридан яшираман деганлар адашади.

**Мирзоодил ХЎЖАЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси.**

**Камол САЛИМОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

2007-yil 14-noyabr | Mustaqil gazeta HURRIYAT O'zingni angla!

Молия муассасаларида

# «Асака»банк мижозлар ишончини оқламоқда

Юртимизда кучли ижтимоий ҳимоя тизимининг яратилиши аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсишига замин яратди. Ўтаётган йилимизнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши эса бу борада амалга оширилаётган ишларни янада янги босқичга кўтарди. Эътиборлиси, бу эзгу ишларда тадбиркору фермерлардан тортиб жамоат ташкилотларигача, тижорат банкларидан тортиб давлат муассасаларигача — ҳамма-ҳамма иштирок этаяпти.

Улар орасида давлат акциядорлик тижорат "Асака"банкининг борлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Кейинги йилларда банк маъмурияти ва унинг жойлардаги филиаллари давлат дастурларининг бажарилишида доимий фаоллик намунасини кўрсатишяптики, бу аввало, "Асака"банкнинг фаолияти тобора ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги қарорига асосан, "Кичик ва микромолиялаш"ни амалга ошириш дастурига мувофиқ, Осиё Тараққиёт Банки кредит линияси орқали ДАТ "Асака" банки томонидан 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, жами 1157 та лойиҳани молиялаштириш учун 34,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан ОТБ маблағлари орқали 6,8 млн. АҚШ доллари эквивалентини ташкил этди. Шунингдек, 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида 227 та лойиҳани молиялаштириш учун 2,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан ОТБ маблағлари ҳисобидан 1,5 млн. АҚШ доллари эквивалентини ташкил этди.

Бундан ташқари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга ҳам банк ўз эътиборини қаратиб келмоқда. Бунга мисол қилиб, ҳисобот даврида кичик бизнес субъектларига берилган миллий валютадаги кредитлар 30,4 млрд. сўмни ташкил этганини айтиш мумкин.

Шунингдек, 2006 ва 2007 йилларда бўлиб ўтган МиниТехЭкспо халқаро кўргазмасида тузилган шартномалардан 200 млн. сўм миқдорида 12 та лойиҳа молиялаштирилди.

Банк томонидан йил бошидан кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратиш ҳисобига 1860 та ва банкнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурида эштирок этиш давридан эса жами 19289 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Табиийки, банкнинг инвестицион фаолияти фақатгина кредит ва лизинг амалиётлари билан чегараланиб қолмаган. Корхоналарнинг ривожланишида молия услубларидан бири бўлмиш қимматбаҳо қоғозлар бозорида ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, 2007 йил 1 октябрь ҳолатига корхоналарга тегишли бўлган акциялар ва облигациялар банкнинг инвестицион портфелида 22 та корхона бўйича 30,5 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу амалиётлар натижасида корхоналар қўшимча 28 млрд. сўм айланма маблағларига эга бўлдилар. Бу эса, ўз навбатида уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун йўналтиришга имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан 2007 йил 9 ойи мобайнида қорамол сотиб олиш учун 1,2 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Бунинг эвазига 2000 тага яқин оиланинг моддий аҳволи яхшиланишига имконият яратилди.

Банк томонидан паррандачиликни ривожлантириш бўйича ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 мартдаги 03-38-4 сонли топшириғига асосан юртимизда паррандачиликни ривожлантириш бўйича 2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра жами 2,2 млрд. сўм миқдоридаги лойиҳаларни молиялаштиришига эришилди.

Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2004 йил 25 майдаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, 2007 йил давомида ДАТ "Асака" банки филиаллари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида тадбиркор аёлларга 2,4 млрд. сўм миқдорида узоқ ва қисқа муддатли кредитлар берилди. Булар эса "Асака"банк аҳолининг эзгу мақсадларига кўмакчи бўлаётганидан далолатдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида банк томонидан кам таъминланган оилаларга 500 млн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратиб берилган. Уларнинг ҳисобидан жами 668 ишчи ўринлари яратилди. "Асака" банк тизимида 9 ой давомида 1544 та тадбиркор фаолияти билан шуғулланаётган аёллар ва улар раҳбарлик қилаётган корхоналар ҳисоб рақамлари очилди.

"Асака"банкнинг кредит сиёсатига асосан 2007 йил март ойидан бошлаб янги маҳсулот — аҳолига уй-жой сотиб олиш, уй-жой қуриш мақсадида ипотека кредитларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу даврда 353 та мижозга 9,8 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-жой олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари ҳамда маиший уй-рўзғор буюмлари олишга имтиёзли истеъмол кредитлари меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқарилди. Имтиёзли асосларда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш амалиётда киритилгандан буён 216 та ёш оилаларга 6,3 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ва 663 та мижозга 823,3 млн. сўм миқдорида истеъмол кредитлари берилди.

2005 йил 15 февралдаги "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2005 йил 15 апрелдаги "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларининг ижросини таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Банк кассаларига тушаётган нақд пул маблағларини кўпайтириш мақсадида, 2007 йил 9 ойи давомида "Асака"-банк кассаларига 653,8 млрд. сўм (ўтган йил шу даврга нисбатан 65 фоизга ўсди) қабул қилинган.

Республика Президентининг 2005 йил 5 августдаги "Банклардаги депозит ҳисоб рақамлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги қарори талабларининг бажарилиши аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжларини уларнинг биринчи талабига кўра, депозит ҳисоб-рақамларидаги маблағлар доирасида тўлиқ ва узлуксиз таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, нақд пул берилиши мониторинги бўйича бош офисда махсус бўлим ва филиалларида секторлар ташкил қилинди. "Ишонч телефонлари" телевидение ва рўзномаларда эълон қилиб борилмоқда. Нақд пул заҳиралари ҳажмининг керакли миқдори банк томонидан белгиланиб, узлуксиз сақланиб келинмоқда.

Бугунги кунда "Асака" банк тизимида биринчи даражали ижтимоий тўловлар ва корхона ташкилотларнинг иш ҳақи тўловлари ўз вақтида тўлиқ нақд пул билан таъминлаб келинмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағлари эса банк омонатларига жалб этилмоқда. Шу мақсадда жорий йилда 26 хил омонат турлари амал қилган ҳолда, 15 хил янги омонат турлари ҳам очилди. 2007 йилнинг 1 октябрь ҳолатига аҳоли маблағларининг банк омонатларидаги қолдиғи 65,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2007 йил бошига нисбатан 122,7 фоиз кўпайди. Омонатчилар сони эса 265,5 минг нафарни ташкил этди. Яъни 39 мингтага ортди.

Банк томонидан 2007 йил 1 октябрь ҳолатига 1908 та савдотерминаллари ўрнатилди. Шундан 124 та терминал коммунал тўловларни қабул қилиш учун, 80 та терминал банкнинг барча кассаларига, жамғарма кассасига, минибанкларга, шунингдек, 51 та метрополитенларга йўл ҳақи тўлови учун ўрнатилди. Ҳисобот кунига келиб, 218,6 минг дона сўм пластик карточкалари муомалага чиқарилди.

Энг муҳими, пластик карточкалар орқали нақд пулсиз айланма ҳажми кенгаймоқда. 1999 йилдан 2007 йил 1 октябрга қадар савдо айланмалар миқдори 38,9 млрд. сўмга етган бўлса, шундан жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 19,5 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Бу эса халқимизнинг "Асака"банкка бўлган ишончи йилдан-йилга ортиб бораётганини кўрсатади.

**Ислом СУЛТОНОВ** ®






## "Асака"банк сармоянгизни кўпайтириш мақсадида миллий валютада 18 хил ҳамда хорижий валюталарда 7 хил омонат турларини таклиф этади.

### Жумладан:

1.**«Мадад-2007»** омонати — йиллик 30%, сақланиш муддати 1 йил, фоизлар коммунал ва бошқа тўловлар тўлаш учун йўналтирилади.

2.**«Меҳнат»** омонати — йиллик 27%, сақланиш муддати 3 ой.

3.**«Пахта»** ва **«Оқ олтин»** омонатлари — йиллик 25%, сақланиш муддати 1 ой ҳамда 3 ой, ҳисобланган фоизларни омонат очилганида ёки ҳар ойда олиш мумкин.

### Хорижий валютадаги омонатлар:

1. АҚШ долларида — **«Люкс»**, **«Люкс-1»** ва **«Люкс-2»** омонатлари — йиллик 12 ва 13 фоиз, сақланиш муддати 1 ой ҳамда 4 ой.

2. Еврода — **«Евро»** омонати — йиллик 7%, сақланиш муддати 4 ой, ҳисобланган фоизларни омонатчининг хоҳишига кўра омонат очилганида олиш мумкин;

3. Еврода — **«Актив»** омонати — йиллик 7%, сақланиш муддати 1 ой, ҳисобланган фоизларни омонатчининг хоҳишига кўра омонат очилганида олиш мумкин.

**ДАТ «Асака»банки сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!**
**Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.**

**Маълумотлар учун телефонлар:**
**(8 371) 120-82-60, 120-82-02.**

# Халқ ҳамиша ғолибдир

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун зарур ҳуқуқий асос яратилган. Уларни ташкил этишнинг асосий принциплари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларда ўз аксини топган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан бу йил қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг жамиятда тутган ролини ошириш учун янада кенг имкониятлар яратди.

Маълумки, шу йилнинг 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида энг муҳим воқеадир. Дарҳақиқат, айнан шу куни ўзбек халқи Ватан ва Миллат тақдирини ўз зиммасига олишга қодир бўлган Йўлбошчини танлайди.

Амалдаги сайлов қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Президенти сайловида номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва фуқаролар эгадир.

Хўш, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрнига алоҳида аҳамият қаратилаётган бир пайтда улар бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кутилган даражада иштирок эта оладиларми? Бу ўринда биз уларнинг Президент сайловида ўз номзоди билан иштирок этишини назарда тутмоқдамиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 2004 йилнинг 26 декабрида бўлган сайловларда "Адолат" социал-демократик партияси, "Фидокорлар" миллий демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирок этган эдилар. Агар улар эришган натижалардан хулоса қиладиган бўлсак, юқоридаги саволга "Ҳа" деб жавоб бериш тўғри бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов кампанияси расман бошланганидан сўнг, сиёсий партиялар мазкур масалага бағишланган пленумларини ўтказишди. Ушбу пленумларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги партиянинг иштироки ҳамда Президентликка кўрсатилган номзод юзасидан қарор қабул қилдилар. Шундан кейин сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат сўраб Марказий сайлов комиссиясига мурожаат этилди. Марказий сайлов комиссиясининг улар сайлов жараёни субъектлари эканини тасдиқловчи қарори матбуотда эълон қилинди. Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш ва номзодни кўрсатиш тўғрисида қабул қилган қарорлари диққатга сазовор. Чунки ҳар қандай сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтиши энг аввало сайловчиларга танлаш имконини яратади. Қолаверса, сайловларнинг муқобиллик асосида ўтказилиши демократиянинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби" деб номланган 24²-моддасига асосан, ҳар бир сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари тўплаши лозим. Сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизини, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Сиёсий партия маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри) имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин. Худди шундай шарт Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳига ҳам таааллуқли.

Кўриниб турибдики, сиёсий партиянинг Ўзбекистон Президенти сайловида иштирок этиш ҳақида қабул қилган қарори ва Марказий сайлов комиссияси томонидан уларга Президент сайловида иштирок этишга ижозат берилгани, ҳали бу сайловда бевосита иштирок дегани эмас. Ҳар бир сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши учун юқорида қайд қилинган қонун талабларини бажариши лозим бўлади.

Ушбу қоида бир қарашда Ўзбекистон Президентлигига номзод кўрсатмоқчи бўлган сиёсий партияларга қийинчилик туғдиради деган ноўрин хулосани ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бироқ масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб борилса ундай эмас. Фикримизча, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунда ушбу норманинг берилиши тўғри бўлган. Чунки мамлакатимиз Бош қомусининг тегишли моддаларида Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориши мумкин бўлган, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мамлакат Конституцияси ва қонунларига, мамлакат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентига берилган. Бундай масъулиятли вазифага ҳатто "даъвогар" бўлаётган номзод аввало сайловчиларнинг, образли қилиб айтганда, оқ фотиҳасини олиши даркор. Яъни, қонунларда белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватловчи керакли миқдордаги имзо варақасини тўплаши лозим. Шундан кейингина Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида рўйхатга олинса мантиқан тўғри бўлади.

Хўш, сиёсий партиялар мамлакат Президентлигига ўзлари кўрсатган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини белгиланган муддатда тўплаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг муносиб иштирокчисига айланиши мумкинми? Улар Президент сайлови кампаниясининг биринчи босқичини қандай якунлашади? Албатта, бу босқич шартли равишда айтилмоқда. Сиёсий партия томонидан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақасига имзо қўйиш, кейинчалик Президент сайлови куни ҳам айнан ўша номзодга овоз бериш шарт деган хулосани бермайди.

Икки палатали парламентга бўлиб ўтган (2004 йил, 26 декабрь) сайловда сайловчиларнинг аксарият қисми аввало сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларга эмас, балки сиёсий партияларнинг сайловолди дастурига муносабатидан келиб чиқиб овоз берган эдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида эса, сайловчилар сиёсий партияларнинг сайловолди дастуридан келиб чиқиб эмас, балки улар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Шахси, Раҳбарлик салоҳияти, Одамийлик фазилатига қараб, фарзандлари тақдирини ишониб топшириши мумкин бўлган комил Инсонга овоз беришлари шубҳасиз.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.**

## Мухолифат билан келишув



**Грузиянинг бирлашган мухолифати ҳамда парламент спикери Нино Бурджанадзе иштирокидаги музокараларнинг биринчи босқичи якунланди. Томонлар келгуси ҳафта бошида яна бир бор учрашувга келишишган.**

Мухолиф партия вакили Кахи Кукаванинг сўзларига қараганда, улар амалдаги ҳукуматдан мамлакатда барқарорлик ўрнатиш йўлида тезкор чоралар кўриш, фавқулодда ҳолатни бекор қилиш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини қайта бошлашга рухсат беришни талаб қилганлар. Бироқ, қонунчилик идораси раҳбари қўйилган талаблар бўйича аниқ жавоб бермаган.

Парламент спикери ҳамда мухолиф партиялар ўртасидаги музокаралар Грузия патриархи Илии II ташаббуси билан ўтказилди.

Эслатиб ўтамиз, мухолиф партиянинг норозилик чиқишлари кучайиб кетганидан кейин мамлакатда 7 ноябрь куни фавқулодда ҳолат жорий этилган эди.

## Арманистонда сайлов куни эълон қилинди

Арманистон марказий сайлов комиссияси мамлакатда 2008 йилнинг 19 февралида президентлик сайлови ўтишини маълум қилди. Арманистон Конституциясига мувофиқ, давлат раҳбари беш йил муддатга сайланади. 2003 йилнинг 5 мартида ўтган сўнгги сайловда амалдаги давлат раҳбари Роберт Кочерян ғалаба қозонган эди.

Кузатувчилар бу галги сайлов жараёнида Республикачилар партияси етакчиси, Арманистон бош вазири Серж Саркисяннинг ғалаба қилиш имконини юқори эканини таъкидламоқдалар.

Марказий сайлов комиссияси раиси Гарегин Азарян сайлов ўтадиган 19 февраль дам олиш куни бўлишини билдирган.

**Дараклар**

**Саудия Арабистони подшоҳлиги дунёнинг иқтисодий барқарор давлатлари рўйхатида учинчи ўринда қайд этилди. Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган ҳисоботда сайёрамиз давлатларининг иқтисодий қудрати ва ривожланиш ҳолати таҳлил этилган.**

## Саудия Арабистони барқарор иқтисодий давлатлар сафида

Саудия Арабистони сармоялар қўмитаси халқаро миқёсдаги тадқиқотларни кузатиб боради ва шу асосда давлат идоралари ўртасида муносабатни йўлга қўяди. Қўмита раиси Амр Ад-Даббагнинг таъкидлашича, иқтисоднинг эркин равнақи йўлида шароит яратилгани муваффақият омили бўлмоқда.

Айтиш керакки, ўтган ойда Молиялаштириш бўйича халқаро корпорация (IFC) томонидан эълон қилинган тадқиқотда ҳам Саудия подшоҳлиги Араб олами ва Яқин Шарқ ҳудудида энг қулай сармоя муҳитига эга давлат деб тан олинган эди. Халқаро ташкилот хулосасига кўра, мамлакат 2006-2007 йилларда иқтисодий ислоҳотлар бўйича самарали натижаларга эришган.



## Пикассонинг сурати ўғирлаб кетилди

**Пабло Пикассо қаламига мансуб энг қиммат суратлардан бири ўғирланди. 650 минг АҚШ долларига баҳоланган рангтасвир асари Мексика пойтахтидаги уйлардан биридан олиб чиқиб кетилган.**

Полиция Пикассонинг айнан қайси сурати ўғирланганига аниқлик киритмаган. Шу билан бирга сурат эгаси бўлган мексикалик давлатманд номи ҳам ошкор этилмаган.

Бироқ, уйга ўрнатилган кузатув камералари жиноятчини топишда ёрдам бериши мумкин. Маҳаллий матбуот хабарига қараганда, Мехиконинг энг шинам туманларидан бирида жойлашган уйга ўғирликка тушган шахс ўзи билан 90 минг доллар пулни ҳам олиб кетган.



## Бразилияда йирик нефть кони очилди

**Бразилиянинг PetroBras давлат компанияси денгиз бўйи ҳудудида улкан нефть кони топилганини эълон қилди. Тупи деб номланган янги конда 5-8 миллиард баррель қора олтин захираси мавжуд.**

Мазкур нефть қазиб олиш ҳудуди Бразилиянинг қора олтин экспорт қилиш салоҳиятини оширади.

Шу пайтга қадар Бразилия ҳудудидан топилган нефть ресурси ер қатида бўлиб, уни қазиш ва қайта ишлаш катта меҳнат талаб этар эди. Янги кондан эса очиқ усулда, ортиқча ҳаракат ва харажатсиз энергия манбасини қазиб олиш мумкин.



## ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР
## GLOBUS
## INTERNATIONAL LIFE

## Америка крейсерида портлаш

**АҚШ ҳарбий денгиз кучларига қарашли «Лейк Чемплейн» крейсерида рўй берган портлаш оқибатида олти киши ҳалок бўлди. Хабарларга қараганда, портлаш сув кемасининг резервуарида газ йиғилиши туфайли юзага келган.**

Сан-Диего шаҳри ўт ўчириш хизмати вакилининг сўзларига кўра, портлаш пайтида воқеа жойига яқин ерда бўлган икки киши қаттиқ жароҳатланган ва оғир аҳволда шифохонага ётқизилган.

Расмий идоралар томонидан портлаш крейсерга қай даражада таъсир этгани тўғрисида аниқ маълумот берилмаган.



## Хитой сунъий йўлдошининг парвози

**Душанба куни тонгда Хитой шимолида жойлашган Тайюань космодромидан учган «Яогань III» тадқиқот кемаси муваффақиятли тарзда фазога кўтарилди.**

«Синьхуа» ахборот агентлиги хабарига қараганда, космодромдан фазога йўл олган «Буюк юриш» сунъий йўлдоши 21 дақиқада орбитага етиб олган.

2700 килограмм вазнга эга бўлган ҳаво кемаси илмий тадқиқотлар олиб бориш, ер ресурсларини ўрганиш ҳамда табиий офатлар хавфидан огоҳлантиришга хизмат қилади.

Хитой давлати 1970 йилнинг апрелидан буён «Буюк юриш» туркумида 104 та ракета учирган.

## Беҳаловат Покистон

*Мамлакатда эълон қилинган фавқулодда ҳолат сиёсий инқирозни келтириб чиқарди*

Покистон иқтисодий ривожланиш борасида жанубий Осиёнинг бошқа давлатлари, дейлик, қўшни Ҳиндистондан анча қуйироқда туради. Лекин шунга қарамай, мамлакат халқаро майдонда ўзига хос таъсир кучига эга — манаман деган давлатлар ҳам Исломобод билан ҳисоблашади. Халқаро ҳамжамиятнинг Покистонга беэътибор бўлишига йўл қўймайдиган омиллар талайгина. Бу ўринда мамлакат сайёрамизнинг ядро қуролига эга бўлган бармоқ билан санарли давлатлари қаторида туришини эслаш кифоя. Шу боис, ҳам Покистонда рўй берган ўзгариш оз вақт ичида Европада, ундан ўтиб Колумб кашф этган қитъада акс садо беради. Президент Парвез Мушарраф томонидан мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилгани дунё майдонида катта шов-шувларга сабаб бўлгани ҳам ана шундан, эҳтимол.

Аслида яқин тарихи давомида узоқ вақт ҳарбийлар томонидан бошқарилган, бир неча маротаба генераллар уюштирган давлат тўнтаришлари гувоҳи бўлган мамлакат учун фавқулодда ҳолат ҳам кундалик ҳодисадек гап бўлмоғи керак эди. Лекин мамлакатда сўнгги пайтларда партиялар ва ташқи давлатлар таъсиридаги мухолифатнинг кучайгани сезилмоқда. Бу эса сиёсий ҳаётда ҳам ўз аксини кўрсатмоқда.

Президент Парвез Мушарраф кутилмаганда, мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этди, 1973 йилдан бери амалда бўлган Конституцияни вақтинча тўхтатди. Олий судни тарқатиб юборди. Мамлакатдаги нодавлат телерадиоканаллар фаолиятига ҳам вақтинча чек қўйилди. Парвез Мушарраф ушбу кескин ҳаракатни радикал террорчи ҳаракатларнинг кучайиб кетгани, шу билан бирга Олий суднинг ижроия ҳокимияти ва парламент ишига аралашгани билан изоҳлаган.

Покистонда охирги пайтларда радикал ҳаракатларнинг кучайиб кетгани, мамлакатнинг турли ҳудудларида қўпорувчиликлар тинмаётгани бор гап.



Бундан ташқари, мамлакатнинг Афғонистон билан чегарадош ҳудуди, Жанубий Вазиристонда ҳам қўпорувчи гуруҳлар яна жонланиб қолди. Оқибатда сўнгги бир-икки ой ичида амалга оширилган террактларда 800 дан ошиқ киши қурбон бўлди.

Фавқулодда ҳолат эълон қилинишидан бир кун олдин мутаассиб гуруҳлар томонидан Покистон армиясининг 120 нафар аскари ўғирлаб кетилгани, қуролярoғи олиб қўйилган ҳарбийлар сазойи ҳолда қўйиб юборилгани ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Бу ҳодиса асли ҳарбий етакчи бўлган генерал Парвез Мушаррафнинг жаҳлини чиқариб юборган бўлиши ҳам мумкин.

Парвез Мушаррафнинг Олий суд тўғрисида айтган танқидий фикрларига келганда, бу ҳолатни президент сўнгги вақтларда адолат маҳкамаси билан кўп бора ихтилофга боргани билан изоҳлаш тўғрироқ бўлар эди.

Жорий йилнинг 6 октябрь куни Покистонда президент сайлови бўлиб ўтди. Қонунларга кўра, парламент депутатлари иштирокида ташкил этилган президент сайловида Парвез Мушарраф узил-кесил ғалаба қозонди. Депутатларнинг 257 нафари ҳарбий етакчини ёқлаб овоз берди. Сайловда номзод сифатида қатнашган собиқ судья Важи Юддин Аҳмад эса бор-йўғи иккита овоз олишга эришди.

Сайлов натижалари Покистон мухолифати томонидан ноқонуний деб баҳоланди. Парвез Мушарраф бир пайтнинг ўзида ҳам президент, ҳам бош қўмондон экани, ҳарбий соҳа вакилининг давлат раҳбари бўлиши эса Конституцияга мувофиқ эмаслигини далил келтирган мухолифат Олий судга мурожаат қилди. Гарчи Олий суд президент сайлови масаласида аниқ хулоса билдирмаган бўлса ҳам, судьяларнинг аксарияти амалдаги давлат раҳбарига қарши кайфиятда экани маълум бўлиб қолган эди. Бу ҳолат ҳам фавқулодда ҳолат эълон қилиниши ва Олий суднинг тарқатиб юборилишини маълум маънода тезлаштирган бўлиши мумкин.

Аслини олганда, Покистондаги вазиятдан хавотирда бўлган халқаро ҳамжамият учун барқарорлик ва тинчликни сақлаш борасида Парвез Мушаррафдан ҳам муносиброқ номзод йўқ. 1999 йилнинг 12 октябрида давлат тўнтариши билан ҳокимиятга келган Парвез Мушарраф ўтган йиллар давомида дунёнинг етакчи мамлакатлари билан тил топиша олди. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин халқаро террорга қарши курашнинг асосий

**Шарҳ**

иштирокчиларидан бирига айланди. Толибон ва бошқа радикал ҳаракатлар макони бўлиб қолган Покистонда жангариларга қарши кескин кураш олиб борди ва мамлакатни бирмунча барқарор ҳолатга келтирди. Яна бир муҳим жиҳати, машҳур Қодир Хон томонидан ихтиро этилган Покистон ядро қуролининг жангари кучлар қўлига тушмаслиги учун керакли чораларни кўрди. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида у ҳарбий раҳбарлар билан кўп-да чиқишавермайдиган халқаро ҳамжамиятнинг кўнглига йўл топа олди.

Парвез Мушаррафнинг давлат раҳбари сифатида қолиши хавфсизлик важидан АҚШга, Россияга, қолаверса, Европа Иттифоқи давлатларига ҳам маъқул бўлиши мумкин. Ғарб давлатлари сиёсий идоралари вакилларининг Покистондаги вазиятга баҳосида кескин танқид эмас, эҳтиёткор маслаҳат оҳанги сезилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу билан етакчи давлатлар Парвез Мушарраф ҳокимиятда қолгани маъқул экани, лекин бунга кескин ҳаракатлар билан эмас, келишув ва муроса билан эришиш кераклигига ишора қилаётгандеклар...

Дарвоқе, Покистондаги сиёсий инқироз ҳолатида собиқ бош вазир, яқиндагина сургундан қайтган Беназир Бхуттонинг ўрни қандай бўлиши мумкин? Мамлакатдаги қудратли ҳаракатлардан — Халқ партияси раҳбари бўлган сиёсатдон хоним саккиз йиллик муҳожиротдан Парвез Мушарраф изни билан қайтар экан, унга ҳукумат бошлиғи лавозими норасмий тарзда ваъда қилинган эди. Бироқ Олий суд билан чиққан ихтилоф ва унинг ортидан эълон қилинган фавқулодда вазият барча режаларни йўққа чиқарди. Ҳозир ҳам Беназир Бхуттонинг бош вазир бўлиш имконияти мавжуд. Бунинг учун фавқулодда ҳолат бекор қилиниши ва 2008 йилнинг бошларига мўлжалланган парламент сайлови ўтказилиши керак. Ҳокимият тўла ягона шахс қўлига ўтган фавқулодда ҳолат шароитида эса сиёсий ўзгаришларга умид қилмаса ҳам бўлади.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

2007-yil 14-noyabr | HURRIYAT O'zingni angla! Mustaqil gazeta

Тиббиёт

***Кейинги йилларда тиббиёт оламидаги дентал имплатология фани мустаҳкам ўрин ола бошлади. Айниқса, Ўзбекистондаги “Мансуров клиникаси” Марказий Осиёда биринчи бўлиб амалиётга татбиқ этган имплантация иши бугун республикамиздагина эмас, балки жаҳон миқёсида стоматологиянинг шиддат билан ривожланаётган муҳим соҳасига айланди.***

***Мухбиримиз Республика стоматологик имплантация Марказининг раҳбари, Қўқондаги тиш касалликлари клиникаси бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Мансуров Бахтиёр Мансурович ҳузурида бўлиб, у киши билан имплантология соҳаси ва бу борада амалга оширилаётган илмий-амалий ишлар хусусида суҳбатлашди.***

# Стоматологик имплантация

## бўйича ўзбек мутахассисларининг довруғи дунёга ёйилмоқда

***— Бахтиёр Мансурович, аввало дентал имплантология, деган сўзни муштарийларимизга оддийроқ қилиб тушунтириб берсангиз.***

— Дентал имплантат — бу аллопластик хомашёдан тайёрланган стоматологик жисм бўлиб, у жарроҳлик йўли билан жағ суяги ва тиш протези мустаҳкамланадиган шиллиқ қаватга ўрнатилади. “Имплант” ва “Имплантация” атамалари лотинча бўлиб, “ўтказиш”, “ўстириш” маъносига эга.

Инсон организмига кўпгина турдаги имплантатларни мослаштириш мумкинки, улар қисман ёки бутунлай органик аъзолар ўрнини алмаштиради ва тегишли вазифаларни бажара олади. Бу жисмлар иммун ҳолатини ўзгартирмайдиган ва зарарли таъсир кўрсатмайдиган, шунингдек, тўқималарда ҳам ўзгаришларни юзага келтирадиган хомашёдан ясалади. Жумладан, кўз, бўғинлар, юрак клапанидан, қон томирлари, сочлар эктопода тез мустаҳкамлагичлар ва бошқалар.

Дентал имплантология бўйича мутахассислар тайёрлаш амалиёти шуни кўрсатиб турибдики, ҳар ким ҳам бу ишга ихтисослаша олмайди. Бунинг учун унда ўзига хос эпчил ва нозик қўл тажрибалари, таҳлилий ижодий фикрлаш ва албатта, меҳнатсеварлик ва беморга ҳамдардлик хислатлари бўлиши шарт.

Баъзида баҳслашиб турамиз: тиббиёт — бу фанми ёки санъат? Стоматологик имплантация ҳақида гап кетганда, уни ҳеч иккиланмай ҳам фан, ҳам санъат, деб баҳолаш мумкин.

***— Импланталогиянинг Ўзбекистонда ривожланиш тарихига қисман тўхталсангиз.***

— Тошкентда Ўрта Осиёда биринчи марта 1987 йилнинг 20 мартида дентал имплантация ўрнатиш операцияси ўтказганмиз ва бу сана республикамизда дентал имплантацияси туғилган кун бўлиб қолган.

Ўша йилнинг сентябрида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори билан Қўқон шаҳар стоматология поликлиникаси қошида Республика стоматологик имплантология Маркази ташкил этилди. Орадан ўтган давр ичида бу Марказда қанчадан-қанча илмий-амалий анжуманлар ўтказилди ва мутахассисларимиз, айниқса, кенг имкониятлар эшигини очиб берган мустақиллик йилларида Москва, Санкт-Петербург, София, Флоренция ва бошқа жойлардаги Халқаро конгресларда иштирок этишди. 2003 йилнинг июнида эса, Қўқон шаҳрида “Тиш имплантациясининг долзарб муаммолари” мавзусида илмий-амалий Халқаро конгресси ўтказилди. Бу анжуманнинг атайин Қўқонда ташкил этилиши бежиз эмасди. Хорижлик мутахассис олимлар ўзбек имплантологларининг юксак савиядаги амалиётларига тан беришиб, бу ердан ўз мамлакатларини бойитиб қайтишди, дейиш мумкин.

Марказ ўз фаолияти даврида 4500 атрофида операция ўтказиб, 2200 нафарга яқин беморларга турли хилдаги имплантатлар ўрнатиб берганлигининг ўзи, бу борадаги хизматимиз тури қанчалик кенг эътироф топаётганидан далолатдир.

Марказимиз республика миқёсида бу борадаги эҳтиёж учун 20 дан зиёд мутахассислик гуруҳини тайёрлаб бердики, бу бригадалар таркиби эндиликда вилоятларимизда мустақил равишда фаолият юритишмоқда.

2004 йилда эмплантология усулини амалиётга янада кенгроқ татбиқ этиш ва бу борадаги илмий ишларни Марказимиз билан биргаликда олиб бориш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жарроҳлик стоматология кафедрасида имплантология бўлими ҳам ташкил этилди. Бу ҳамкорлик самарасини тиш қатори нуқсонларини бартараф этишга қаратилган янги-янги имплантат турлари ва усуллари ишлаб чиқарилаётганида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги йилларда имплантология соҳасида Эшмўмин Худоёров ва Турсунали Муллаев, Саид Аъзамхўжаев сингари таниқли олимлар етишиб чиқди ва клиникамиз элу юрт эътиборига туша бошлади.

***— Хориж давлатларида Қўқондаги “Мансур клиникаси”га қизиқиш катталигидан, сизнинг Хитой, Италия, Россия, Болтиқбўйи ва қўшни Ҳамдўстлик мамлакатларида қилган илмий маърузаларингиз ҳамда имплантат қўйиш бўйича кўргазмали операцияларингиздан, ҳатто Хитойдаги Сиан тиббиёт университетининг профессори фахрий унвонини олганингиздан хабардормиз. Айни пайтда бу ҳамкорлик қай даражада ривож топмоқда?***

— Ўзингиз кўриб турганингиздек, клиникамиз Германия, Австрия, Чехия, Словакия, Польша, Финляндия, Болгария ва бошқа пешқадам хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган энг замонавий тиббий-техник воситалар билан жиҳозланганининг ўзи маълум маънода бу ҳамкорликнинг анча пухталигидан далолат бериб турибди. Биз ўз ўрнида амалиётимиздаги янги имплантат турлари ва усуллари, шунингдек, ўз иш тажрибаларимиз бўйича улар билан ўртоқлашиб турамиз. Бундан ташқари, бу соҳага қизиқиш кенгроқ тус олаётган айрим мамлакатлар учун мутахассис кадрлар ҳам тайёрлаб берамиз. Жумладан, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Бошқирдистон учун етказиб берилган юқори малакали мутахассислар таркибидан иборат бригадалар айни пайтда муваффақиятли фаолият юритишаётгани бунга далил бўла олади.

***— Имплантология ривожининг янги жиҳатлари ҳақида фикрингиз?***

— Яқин келажакда имплантатларни ишлаб чиқариш ва уни илмий ўрганишда биологик йўналиш бошланади, деб ҳисоблайман. Имплантатнинг юзаки қисмига суяк тўқимасининг жипслашишига кафолат берувчи янги хомашё ва технологиялар такомиллаштирилади. Имплантатга периодонтнинг боғланиш усулларини тиклаш бўйича изланишлар олиб борилади ёки ҳеч бўлмаса, унинг вазифасини бажарувчи топилади. Имплантат ва тиш протезларини такомиллаштириш — бу шифокорлик талабларига эга бўлган муҳандислик ишидир. Қаттиқ, узоқ давомли имплантат-эпителиал боғланишлар топилса, бу имплантатларнинг оғиз бўшлиғида узоқ вақтлар хизмат қилишига имкон туғдиради.

Келажакка назар солиб, яна шуни айтса бўладики, тишларни тиклаш истиқболи клонлаштириш ва ген инженерияси каби илмий соҳаларда ҳам ўз ўрнини топса ажаб эмас. Ҳозирда янги усуллар яратилиб, булар тиш тўқималарини сунъий муҳитда ўстириш имконини бермоқда. Демак, келажакда ўлик имплантатлар ўрнига тирик тишлар ёки уларнинг бошланғич тўқималари ишлатилади, деб умид қилса бўлади.

***— “Ҳуррият” газетасига тилакларингиз?***

— Газетангизни суйиб ўқийман. Ижодий жамоангизга келгусида том маънода омадлар тилаб қоламан. “Ҳуррият” — ўз номи билан буюк истиқлолимизнинг кўзгуси бўлиб яшайверсин.

***— Раҳмат!***

**Солиҳ ҚАҲҲОР суҳбатлашди.** ®

Қойил

# Фермерларни лол қолдирган журналист

Қизириқ туманининг “Учрашув” деган қишлоғида илгари йигирмадан ошиқ пахтачилик бригадалари бўлса-да, қишлоқ аҳлининг косаси оқармаган, ҳатто бу ердаги ўрта мактаб ҳам мослаштирилган бинода жойлашган эди. Истиқлол йилларида хонадонларга табиий газ, ичимлик суви келтирилди, янги мактаб биноси қурилди, кўчаларга тош ётқизилди. Бунинг бош сабаби одамлар ўзгаргани, яъни мулкдорлар, ер эгалари, тадбиркорлар, ишбилармон кишилар кундан-кун кўпайиб бораётганлигидир. Ҳозир бу ерда 10 дан ошиқ фермер хўжаликлари бўлиб, ғалла ва пахтадан ҳар йили мўл ҳосил олиб келаётган фермерлар ундай-бундай одамга гап бермайдиган, сўзи ҳам, ўзи ҳам полвон йигитлардир.

Ана шу фермерлар яқинда пахта йиғим-терими якуни муносабати билан гап-гаштакка тўпланишибди. Дастурхондаги қовун-тарвуздан бўлак барча нознеъматлар бозордан сотиб олинган. Яъни узум, олмаю хурмогача.

— Ие, анор олмабсизлар-ку? — деди таниқли фермер Карим полвон.

— Анорни Эркинбойдан оламиз. Мана, ука, бориб мухбир акадан 10 кило анор олиб кел, — деди Жовбўри фермер хизмат қилиб юрган йигитга пул узатар экан.

Агар Эркин бу ерда эмас, Термизда яшаб турганида бугун анорниям Шеробод бозоридан сотиб олардиларинг, — деди фермер тадбиркор Йўлдош Хўжамшукуров. — Пахта билан ғаллага чопиб ўзимиз боғ қилишни эсдан чиқарибмиз...

— Лекин Эркинбойга қойилмиз, — деди Парда фермер. — Ҳар бир анор ярим кило, ҳатто бир килодан келяпти. Бундай анорни ҳозир ўша машҳур Дашнободдан ҳам тополмайсиз.

— Тўғриси, шу шогирдим менга ибрат бўлди, — деди кекса муаллим Наби Ҳалилов. — Ўтган йили ўзи етиштирган анор кўчатидан 100 туп бериб: “Домла, анор ҳақиқий экологик тоза маҳсулот. Ундан баҳраманд бўлинг”, деб айтди. Насиб этса, келгуси йили анорларим ҳосил беради...

Дарвоқе, фермерлар ҳам тан бериб мақташаётган анор етиштирувчи боғбон шу қишлоқда улғайиб, мактабни битиргач, туман газетасига ишга келган ва Тошкент давлат университетида ўқиб,



журналист бўлган Эркин Тўраназаровдир. Мана бир неча йилдирки у Сурхондарё вилоят телевидениесининг мухбири. Эркин ўзининг долзарб мавзудаги таҳлилий ва танқидий кўрсатувларида масаланинг моҳиятини тез илғай олиши ва кўпчиликка манзур хулосаларини айтиши туфайли воҳадаги таниқли журналистлардан биридир. Деҳқончилик, яъни анор етиштиришдаги қойилмақом иши эса унинг иккинчи истеъдоди. Бундай дейишимизга сабаб, юқоридаги гурунглар, касби деҳқончилик бўлган фермерларнинг журналист ҳамқишлоқларига тан беришаётганлиги ва қўшни Шеробод тумани анорзорларидан тонна-тонна бозоргир ҳосил олиб кетгувчи тадбиркорлар уч йилдирки Эркин Тўраназаровнинг боғида етиштирилган анорларни биринчи бўлиб олишга интилишаётганидир.

Эндиги сўзни қаҳрамонимизнинг ўзидан эшитинг:

— Падари бузрукворим Турди бобо Тўраназаров бир умр пахтачилик бригадири, сувчи бўлиб келганлар. Ўтган замоннинг деҳқони қанча заҳмат чекиб ишласа-да, бири икки бўлмаган. Отам бизни бир амаллаб вояга етказиб, ўқитиб, уйли-жойли қилганлар. Ҳозир ёшлари етимишдан ошди. Мустақиллик йилларида бор меҳрларини томорқага бериб келмоқдалар. 50 сотих ерда анорзор барпо этиб, меҳнатнинг меваси тотли бўлишини исботладилар. Бир кило ҳам анорни бозорга чиқариб сотмайдилар, одамлар ўзлари келиб уйларидан олиб кетишади. Ишдан бўш пайтларимда отамга ёрдамлашиб юриб, ўзим ҳам анор етиштиришга меҳр қўйиб қолдим. Отам етиштирган кўчатлардан 120 тупини келтириб, томорқамнинг 10 сотихига ўтказган эдим. Анор шундай дарахтки, унинг атрофида туну кун парвона бўлиш шарт эмас. Фақат ўз вақтида суғориб турилса, меваларини ҳашаротдан сақлаш чоралари кўрилса, ҳосилини аямайди. Уч йил бўлди анорзорларим ҳосилга кирганига. Биринчи йили 500 минг сўм даромад олдим. Ўтган йили 1,5 миллион, бу йил эса соф даромад накд 4 миллион сўмдан ошиб турибди. Ҳозир ҳар ким зиёлими, ишчими, ким бўлишидан қатъи назар мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб меҳнат қилиши, ҳаракат қилиши керак. Айрим ошналарим “Бунча даромадни нима қиласан», дейишади ҳазиломуз. Ҳалол меҳнат билан келаётган маблағни болаларнинг яхши ўқиши, яхши кийиниши, тўкин ва фаровонликда яшашлари учун ишлатаман. Келажакда ер олиб, кўпроқ анорзорлар барпо этиш ниятим ҳам йўқ эмас. Ҳар қалай, биз журналистлар фақат сўзда эмас, амалий ишларда ҳам бошқаларга ибрат бўлмоғимиз керак-да...

Унинг дўстларидан Қўлдош Холмуродов шундай дейди:

— Эндиликда Эркинбой анор кўчатларини етиштиришни ҳам ўрганиб олибди. Унинг анорлари энг серҳосил, мазали бўлганлиги боис бошқа тумандардан келиб, ундан кўчат олиб кетишмоқда. Ишонасизми, Эркин билан яқинда ҳосилни узаётиб, бир дона анордан бир коса шарбат сиқиб олдик. Унинг анорларининг эти қалинлиги учун шарбати мўл, одам мазза қилади. Дўстимга раҳмат.

Одамларнинг бундай илиқ сўзлари, дилдан айтган мақтовлари ҳамкасбимизни жуда тўлқинлантириб юборади. Шу боис камтарин ва меҳнатсевар миллионер ҳамкасбимиз ижодий ишлар билан бирга боғбонлик фаолиятини ҳам янада кучайтирмоқчи.

**Чори АЛИМОВ, журналист.**

Фаолият

# Риштоннинг олтин толалари



Риштон тумани Фарғонанинг бетакрор гўшаларидан бири. Бу ернинг ҳунармандлари қўлида сайқал топган турли кўринишдаги кулолчилик буюмлари юртимизнинг кўплаб хонадонларини безаб турибди. Риштон ўрикларининг донғини айтмайсизми? Айниқса, бу йил риштонлик пахтакорлар учун ҳам омадли келди. Туман деҳқонлари пахтадан юқори ҳосил олишди.

Туман марказидан пахтани қайта ишлаш корхонаси томон бораверсангиз, бахри дилингиз очилиб, Риштон йўллари далаларидаги олтин толаларга уланиб кетгандек туюлади. Туманда етиштирилаётган пахтани қабул қилиш учун бу йил “Риштон пахта тозалаш” ҳиссадорлик жамияти 638 та фермер хўжаликлари билан шартнома тузганди. Тўла фермерчиликка асос солинган ҳудудлардан бири бўлган бу ерда деҳқонлар чинакамига бел боғлаб меҳнат қилишиб, хирмонга 26 минг тоннага яқин “оқ олтин” топширишди. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилди.

— Пахта тозалаш корхонаси томонидан фермерларга 20 та Т-4 ҳайдов тракторлари кредитга олиб берилди — деди корхона директори Машрабжон Қозихонов. — Бу 5 йилга мўлжалланган бўлиб, улар учун кенг имкониятлар эшигини очади. Бундан ташқари туманнинг бошқа корхона ва ташкилотлари томонидан ҳам бир қатор қулайликлар яратилиб, техника ва зарур асбоб-анжомлардан ёрдам берилмоқда. Бугунги кунда деҳқонларимиз пешона тери билан етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш учун 363 нафар ишчи ходимларимиз меҳнат қилишмоқда. Айни пайтга қадар янги ҳосилнинг 7,5 минг тоннадан ортиғи қайта ишланиб, 2530 тоннадан зиёд тола олинди.

Корхонада уруғчилик — чигитни қайта ишлаш цехи бунёд этилган бўлиб, Испаниядан келтирилган замонавий дастгоҳларда сараланаётган уруғлик чигит тоза ҳолда Риштон, Боғдод, Олтиариқ ва Фарғона туманидаги фермер ва деҳқоналарга етказиб берилади. Бу ерда ҳам 90 нафар ишчи меҳнат қилади.

Корхонада ишчи-ходимлар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Кечки сменада меҳнат қилаётган ходимларни уйларига 2 та автобус элтиб қўяди. Сменага келган ишчилар бепул овқат билан таъминланган. Ювиниш, овқатланиш, тиббий хизмат каби қулайликлар ҳам яратилган бўлиб, барчаси жамият ишчилари хизматида. Ёрдамчи хўжаликда боқилаётган 20 та зотдор швед қорамоли сут-қатиғидан баҳраманд бўлаётган ишчилар учун байрам ва тадбирларда гўшт бепул тарқатилади. Шунингдек, тумандаги 2 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та мактаб ҳомийликка олинган бўлиб, корхона фойдасидан уларга зарур маблағлар ажратиб турилибди.

**Ҳикматулло ҚОДИРОВ, “Ҳуррият” мухбири.** ®

Учрашув

# Мустақиллик — дейди Ўзбекистон

***Малик Набиев — бетакрор рассом. У яратган буюк алломаларимиз Ал-Беруний, Ал- Хоразмий, Ибн Сино, Ар-Розий, Аҳмад ал-Фарғоний, Амир Темур, Улуғбек, Бобур портретлари, “Муқанна кўзғолони”, “Спитамен кўзғолони” картиналари ва бошқа ўнлаб етук асарлари ўзбек санъати тарихида муҳим ўрин тутади. Бугунгача республикамиз ва дунё музейларида мусаввир ишларидан намуналар мунтазам намойиш этиб келинмоқда.***

***Айни пайтда пойтахтимиздаги «Заркайнар» либослар уйида қарийб бир ой давомида Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилганлиги тўқсон уч ёшни қаршилаётган мураббий фаолиятига эътиборнинг яна бир далилидир.***

— Рассомчилик пешонамга ёзилган қисмат. Салкам етмиш йилдан бери ижод қилиб келаман. Меҳнатимни қадрига етишди. Кези келганда рағбатлантиришди. Мустақиллик мени яшартирди, — дейди шижоат билан қарилик аломатларини билдирмайгина Малик Набиев.

***— Малик ака, ижодингизга бағишланган бу галги кўргазма алоҳида эътирофга лойиқ. Сабаби, халқимизга тақдим этилган энг сара асарларингиз бир умрлик ижодингиз сарҳисобига ўхшайди гўё...***

— Ҳар бир ижодкор қобилияти ва бажарган ишининг савияси, самараси, кўлами нафақат ўзи учун, одамлар учун ҳам қизиқарли бўлса керак. Асарларим ҳақиқатгўй, софдил одамлар қўлига, назарига тушгани учун бугунги кўргазма ҳам мухлислар олдида юзимни ёруғ қилди. Гувоҳи бўлганингиздек, тасвирий санъат ихлосмандларидан тортиб ҳаваскорларгача тақдим этилган ишларимга бефарқ эмаслиги кайфиятимни кўтарди. Демак, беҳуда яшамапман. Рассомларга эътибор, имконият ҳеч бир даврда бугунгидек бўлмаган.

***— Болаликданоқ тасвирий санъатга қизиқишингизга, таниқли мусаввир бўлиб етишишингизга кимлар сабабчи бўлган?***

— Биринчи устозим акам Абдували десам мақтанишга йўйманг тағин. Ҳатто рус тилини ҳам акамдан ўрганганман. Болаликда кўп нарсаларни билиб, эслаб олган яхши бўларкан. Киши айримларга ўхшаб ҳаётдан орқада қолмас экан. Дадамиз Абдунаби косиб бизни меҳнат билан тарбиялаганлар. Пойтахтимизнинг Подахона маҳалласидаги ҳовлимизда сигиримиз бўларди. Ўн-ўн икки ёшимда елкамдан обкаш тушмаган. Эсласам, ҳамон елкам оғрийди. Хурмачани биласиз, анча оғир. Сополдан ишланган, қўш қулоғига чилвир тақиб, обкашни икки тарафига ивитилган қатиқли икки хурмачани илиб, Чорсу майдонидаги Кўкалдош мадрасаси қошидаги қаймоқ-қатиқ, сут бозорига қатнайман. Атиги 18-20 тийин пул бўларди, холос. Шунга гижда нон ва сигиримиз учун бир боғ беда сотиб олиб келардим. Ҳар куни тирикчилигимиз шугина эди. Бўш вақтим бўлса, дадамнинг косибликларига қарашардим. Пойабзал тикишни болалигимдан ўрганиб олганимга ўзим ҳам қойилман. Ва лекин барибир хаёлим расм чизишда бўларди. Боланикнинг ва ўсмирликнинг жўшқин дамларини меҳнат билан ўтказган бўлсам-да, Ватаним тарихини ўрганиб, ўз кўзим билан кўриб, ҳис қилиб яшадим.

Мактабни тугатгач, тасвирий санъатга бўлган қизиқишим бадиий техникум (кейинроқ билим юрти)га ўқишга етаклади. Бу даргоҳда ўзбеклардан ташқари турли ўлкалардан келган рассомлардан расм чизиш маҳоратини ўргандим. Кейинчалик икки йил бадиий малакани ошириш курси борлигини эшитиб, Москвада машҳур рассом М. Шемякин таълимотини ҳам олдим. Ўзимизда ТошМИ қошидаги икки йиллик «Одам анатомияси ва физиологиясини ўрганиш» курсига қатнаганман. Булардан ташқари ёшим қирқдан ошиб қолганига қарамасдан илмга ташналигимдан бўлса керак, Тошкент педагогика институти бадиий графика факультетида ишлаб юриб, сиртдан битирдим. Рассом сифатида жамоатчиликка танилганимдан сўнг шу жойнинг ўзида ўқитувчи қилиб ишга олишганди. Анча йиллар фаолият кўрсатиб нафақага чиқдим.

***— Талабалигингизда Абдулла Қодирий билан кўришиш, суҳбатлашиш насиб этган экан. Адабиёт дарслигига мўлжалланган “Абдулла Қодирий” портретида ёзувчи қандай бўлса шундайлигича ўз аксини топганми?***

— Ҳа, ёдимда. 1934 йили “Муштум” журнали таҳририятига йўлим тушиб қолди. Мени бу ерга таниқли ҳажвчи рассом Воҳид Одилов бошлаб келганди. У чизган расмлар журналда тез-тез чиқиб турарди. Муҳаррир Ғулом Ғофуров ҳузурида бўлганимизда ёзувчи Абдулла Қодирий хонасига киришимизни, топшириқлар олишимизни айтди. Журналдаги барча расмлар у киши орқали қабул қилинаркан.

Абдулла Қодирий ўйчан, синчков, жиддий боқишли инсон эканлигини пайқадим. У киши бизни яхши кутиб олди. Шахсан менга “Бангилик авж олаяпти, курашиш керак. Абдумалик, халқ десанг, ҳақ десанг, ростгўйлик йўлидан бориб, Баландмачитдаги маҳаллада яшаётган бангилар ҳаётини ўрганиб, ҳажвия расм ишлаб кел. Кузатганингда гўё шуларга ўхшагин,— дедилар-да, бироз ўйланиб, — гапимга тўғри тушун, тағин бангилардек бўлиб қолма”, деб, кулиб ҳазиллашиб ҳам қўйдилар.



“Расмларингни кутаман” дедилар яхши кайфиятда.

Бангилар ҳаётидан расмлар чизиб, Абдулла Қодирийга кўрсатсам, бирортаси ҳам ёқмади. Шу йилнинг ўзида уч марта борибман. Тасвирий санъатни анча-мунча тушунарканлар. Ўзим қизиққан мавзуни олдим. Темирйўлчилар ҳаётидан “Машинст оиласи” деб аталмиш ҳажвия бўлмаса-да, тарбиявий мазмундаги расмим “Муштум” журналида босилиб чиқди. Ёзувчи мен ҳали ёш, эндигина ўн саккизда бўлганим учун мусаввирлик қобилиятимни синаб кўрибдилар. Нимага қизиқишимни билибдилар. Абдулла Қодирий билан кўришиш, суҳбатлашиш нафақат ижод қилишимга, ишимнинг тарбиявий томонларига ҳам катта ёрдам бўлди. Кейинчалик унча катта бўлмаган, ихчамроқ “Абдулла Қодирий” портретини яратдим. Адабиёт дарслигига мўлжаллаган бу асаримда ёзувчини қандай бўлса шундайлигича тасвирлашга ҳаракат қилганман. Ҳеч қандай қўшимчалар йўқ. Ўша ўйчанлик, ўша жиддий боқишлар портретда ўз аксини топган.

***— Мусаввирлар тақдим этган “Амир Темур” портретлари орасида Сиз яратган Соҳибқироннинг саркардалик либосидаги қиёфаси Давлат танлов комиссияси томонидан яхши намуна сифатида тан олинди. Ушбу портрет асосида тақвим, плакат, конверт маркалари чиқарилди. Қолаверса, “Темурнинг ёшлиги”, “Бибихоним” портретлари ҳам таҳсинга лойиқ...***

— 1995-1996 йилларда республикамизда очилган тасвирий санъат кўргазмасида “Амир Темур” портретлари қаторида “Темурнинг ёшлиги”, “Соҳибқирон қурилишда”, “Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалабаси”, “Амир Темур Испания қиролининг элчи вакили Рюи Гонзалес де Клавихони қабул этиши” ва бошқа асарларим ҳам қўйилганди. Юқорида таъкидлаганингиздек, Давлат комиссиясига Амир Темурнинг икки хил вариантда чизилган портретини тақдим этгандим. Уларга биринчи бўлиб саркардалик либосидаги портрет маъқул тушди. Бу тасвир тарихчи ибн Арабшоҳ тасвирлаган даражадан ташқари руҳий сезгиларим ёрдамида дунёга келганди. Ҳозиргача Амир Темур ҳақидаги тарихий китобларни ўқиб бораман.

Яқинда ёзувчи Ҳаким Сатторийнинг “Ҳазрат Соҳибқирон”

# СЎЗИНГ — ЎЗИНГ

## Таниқли адабиётшунос олим ва таржимон Иброҳим Ғафуров ижодига чизгилар

**Аҳли қалам учун ижод — сўз ижоди. Сўзлардан фикрлар, китоблар, ғоялар, улар орқали эса келажак яратилади. Шу маънода сўз ижоди — ҳаёт ижодидир.**

**Сўзнинг ўз руҳи бор. У ўжар, мутакаббир, гоҳо табоҳкор руҳдир. Заковатли ақл, катта иқтидор, сабр билан тадқиққа қодир қалбгина уни имтисол этади.**

**Иброҳим Ғафуров — сўз руҳи билан баҳслаша оладиган, сўзларни сўзлата оладиган ижодкор.**

Сўз дуч келган кишига эгилавермайди, товланавермайди. Аммо сўзларнинг товланишини, ниҳорланишини аниқ билган ижодкоргина улар билан баҳслаша олади, уларни сўзлата олади:

***“Нисоланар сўзлар –***
***бағримга бош қўяр қатор бўлишиб –***
***аёлга ўхшаб қолар сўзлар –***
***қора қуёш ёмғирида***
***ивиган, бўртган, тиниқ тортган***
***аёл шундай бўлар”.***

Кўксингизга бош қўйган сўзлар ҳам сизни мутлақ ихтиёрингизга ўтган сўзлар эмас, у нисоланиш холос. Аёл ўз ожизлиги билан сизни ўзига имтисол этади, дилингизни ёради, яъни ўзи орқали сизни сўзлашга мажбур қилади.

***“Нисоланар сўзлар кузги бодринг каби***
***кўм-кўк, қарсилдоқ –***
***мен уларни бағримга босаман***
***муқаддас нима бор шундай сўздан***
***ортиқроқ”.***

Сўзларнинг нисоланиш боисини энди англагандирсиз.“Архаик сўз” шеърини ижодкор сўзпарастлигининг ажойиб исботи дейиш мумкин.

Биламизки, архаик сўз — унутилган сўз. Аслида халқ мавжуд экан, сўз унутилиши мумкин эмас. Лекин сўз ўзини сўзлата оладиган ва ўзи билан баҳслаша оладиган Одамнинг келишига ишонади.

Иброҳим Ғафуров — сўзни ақлнинг жавҳари, Етукка етиш имкони деб биладиган адиб. Мутолаа, ёзиш, фикр излаш, ижод уни шундай хулосага олиб келган. Аслида классик адабиётдан, даҳо ижодкорлардан олинган сабоқ бу. Шунинг учун у сўзлардан дурдоналар ясаган адибларнинг асарларини таржима қилади, улардан ақлу тафаккурни улуғловчи фикрлар, Етуклик қидиради. Менинг фикримча, етукликни кимда эканлиги эмас, балки унинг муқаррарлигига ишониб, унга талпиниб яшаш ибратлидир.

Сўз ақлнинг тўла ифодачиси эмас, бироқ усиз ақлнинг шаклланишини, ўсишини, Етукка етишини тасаввур қилиш мушкул. Шунинг учун адиб ёзади: “Инсон ақлига ақл қўшиб боргани сайин Яратганни теран англайди. Ақлига ақл қўшилгани сайин имонига имон қўшилади. Ақлнинг бойлиги ва ўсиши имоннинг бойлиги ва ўсиши – камолотига айланади...”. Ақлга ақл қўшиш билан Худога яқинлашиб бориларкан, ақлнинг жавҳари бўлган сўз ҳам муборак бўла боради. “Шунинг учун, адиб таъкидига кўра, “сўзни илоҳий деб тушуниш, уни муқаддас деб билиш” зарур.

Иброҳим Ғафуров — Шарқ классик адабиёти ва ўзбек адабиёти тарихининг билимдони. Шарқ классик адабиёти умрбоқий ғояларга, бетакрор нафислик ва маънавий улуғлик намуналарига тўла; ўзбек адабиёти тарихини билмай, севмай эса тилда кашфиёт қилиш мушкул. “Уйқумни ўчирди руҳият ҳазратлари, — деб ёзади адиб. — Ҳушимни ўчирди уларнинг ҳайбатлари қулф урган ғайратлари...” Таниш ҳол. Уйқуни ўчирган сўз ҳазратларидир. Шунинг учун адиб асарларида Гуштасп, Зардўшт, Табарий, Умар Хайём, Халлож, Абул Ҳусайн, Румий, Ғаззолий, Навоий, Бобур, Машраб, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, устозлар — Озод Шарофиддинов ва Ғайбуллоҳ ас-Салом сўзлайди.

Иброҳим Ғафуров — сўзларни куйлата оладиган ва бўзлата оладиган шоир. Шоир сўзни куйлатиб тирикликни, гўзалликни, боқийликни улуғлайди, сўзнинг бўзлагани эса шоирнинг иллатлардан халос бўлишга даъватидир.

Адибнинг ҳар бир асарида шоирона идрок муқаррардир; у шоирона нафислик билан тасвирларига, образларига, шеърларига қиёслар, ташбиҳлар, сифатлар қидиради. Унинг шеъриятга машрабона ошиқ қалби ҳар қандай ифодани поэтикага айлантиришга шай, Навоий, Оллоёр, Яссавий, Машраб, Нисше ҳақидаги эсселари поэтикага монанд. Мансуралари эса шоирнинг биз ҳали англаб етмаган ва етарли баҳолай олмаган поэтик дурдоналаридир.

“Сув капалакни аллалаб ухлатарди. Майин насим беланчагида”. Ажойиб поэтик нафислик! Шоир сўзларни куйлата туриб руҳни улуғликка чорлайди. “Шу қушчалик ҳолинг йўқми? – сўроқлайди юрагим. – Йўқми ғайрат, шижоат? Қирқилганми қанотинг? – Сўфийларнинг чўққисига чиқа бермас ҳар ким ҳам, — мен тасалли бераман ўзимга. – Сўфийларнинг чўққисига чиқар кимса муҳаббати ўлмаса, санамларнинг ўт ишқидан асло умид узмаса”. Сўфийлик — улуғлик чўққиси. Ҳаққу ҳақиқатга, Етукка чуқур муҳаббат кишини ушбу чўққига элтади. Аслида улуғларга эргашиш улуғликдан дарак.

Қуйидаги ноодатий тасвирни тингланг: “Ўлим тож кийдирар ишқнинг бошига. Янгиланар ўлим янгиланар ишқ мангу ясантириб борар бири бирини...” Сўфийона мажоздан саволлар уйғонади. Ишқ изтироб бўлиши мумкин, лекин унинг ўлимга етаклаши ҳаётийми? Ишқ ўлим билан тожга муяссар бўладими? Менинг фикримча, “Ишқ ўлди” — юрак бўзлашидир. Унинг тагида юрак унутолмаган бир нафис туйғу яширинган. Бу охирги мисрада яққолроқ ифода этилади: “Дарҳақиқат, ишқ ўлганда яшашдан нима қолади?” Ушбу шеърда шоир қалбининг сўзга сўфийона ошиқлиги мужассамдир.

Иброҳим Ғафуров — сўзлардан, бадиятдан донишмандлик, ҳикмат излайдиган адиб-файласуфдир. У ким ҳақида ва нима ёзмасин асарларини сермаъно, сермағз қилишга интилади. Шунчаки тасвирчилик, баёнчилик бадиятнинг ҳам, фалсафанинг ҳам алдови эканини у яхши билади. Унинг ижод тарзи борлиқдан маъно-мағз, шарифлик ва суббуҳлик излашдир.

“Бутунлик” деб аталган мансурада бутунлик истаб, аммо бутун бўлолмаган одамнинг ўйлари ифодаланган. Адиб бутунликни “осон нарса” деб атайди. Чунки бутунда ўсиш йўқ, ўзгариш йўқ, ранг-баранглик йўқ, шу боис уни англаш осон. Ҳаётда эса бутунни топиш мушкул. У нидо қилади:

***Айт, бутунми манави дарахт***
***ҳосилидан айрилган,***
***ҳосил бериб шох-бутоғи қайрилган?***
***Айт, бутунми, йўл бўйида***
***ташландиқ боғ?***
***Мунғайди жуда қари***
***ўриклар лазиз мевалари***
***тамомила таланган?***
***Ёки айт-чи, бутунмикин,***
***манави билқиллана юриш***
***қилиб кетиб бораётган қиз?***
***Айт, бутунмисан сен ўзинг.***
***Уйқуга ётаётганда,***
***саҳарда ёстиқдан бош кўтарганда***
***ҳеч сезасанми ўзингни бутун?***
***Билмайсанми, қачон,***
***қачон бут бўлар одам?***
***Унгача бутунлик ҳақида***
***мендан сўрама.***

Бутун бўлмаган одам бутунликни қаердан билсин, ахир. Ўта мураккаб саволга ўқувчисини рўпара қўяди. Ҳатто у, бутунлик ҳақида сўрама, парча-парча бўлиб кетган одамдан, деса ҳам муаммо ўқувчи қалбини тарк этмайди. “Парча-парча бўлиб кетган одам” етолмаган бутунликка кимдир, қачондир етиши керак, акс ҳолда бутунлик ҳақида ўйларнинг бари лағвонадир.

Иброҳим Ғафуров — Ғарб адабиёти, фалсафаси ва эстетикасидан яхши хабардор олим. Айнан олимлик хислати унга жаҳон адабиётидаги бадиий-фалсафий ва нафосатшуносликка оид қарашларни, жараёнларни кузатиб, улардаги кашфиётларни илғаб боришга ёрдам беради. Шунинг учун унинг ўзи мансуралар жанрини яратишга Борхес, Монтень, Сен-Сёнагон ва ҳинд, хитой, япон адиб-файласуфларининг асарлари таъсир этганини таъкидлайди. Худди шунингдек, у ўзининг олим-адиб сифатида шаклланишида Мопассан, Хемингуэй, Эдгар По, Бабель, Грин, Бальзак, Паустовский ва рус адиблари Достоевский, Распутиннинг хизмати катта бўлганини эътироф этади. Албатта, буюк ижодкорларга эргашиш, уларнинг бадиий-эстетик меросидан баҳраманд бўлиш, қандай эзгу ва эътиборли машғулот бўлмасин, етарли эмас, олим-адибнинг ўзида ҳам бетакрор тафаккур, мушоҳада ва иқтидор бўлиши шарт эди. Бу ўринда олим-адибнинг юқоридаги ижодкорлар ҳақидаги бадиаларини, ўзбек адабиётининг умрбоқий меросига кирган таржималарини, Навоий, Машраб, Чўлпон ва замонавий адибларнинг бадиий-эстетик қарашларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларини эслаш ўринлидир. Луис Борхеснинг ранг-баранг ёндашувларидан, турли бадиий-фалсафий ва эстетик мактабларни, оқимларни бирлаштирганидан ҳайратга тушган ўқувчилари: «Сиз қайси мактаб вакилисиз», деб

### Эҳтиром

сўрашганида у: «Мен Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзимга жо этганман», деб жавоб берган экан. Ушбу сўзларни Иброҳим ака ҳам ғурур билан такрорлаши мумкин.

Иброҳим Ғафуров — хушсўз ва дилсўз инсон. Аслида хушсўзлик ва дилсўзлик зиёлилик белгисидир. Мен Иброҳим ака билан беш-олти йил ҳаммаслак сифатида ёнма-ён юрганман. Унинг дарғазаб бўлиб бақирганини, биров ҳақида бадфикр билдирганини эшитмаганман. У сўзнинг уволи нималарга олиб келишини яхши билади. Ҳинд фалсафасида “аура” деган тушунча бор. Унга кўра айтилган сўз беиз кетмайди, мутлақ унут бўлмайди. Сўзлар аура – макон, муҳит яратади. Номақбул муҳитга тушиб қолсангиз, сиқиласиз ва тезда уни тарк этгингиз келади.

Адиб ўн ёшидан бери бадиий сўз санъатига маҳлиёдир. Аввал халқ эртаклари, достонлари ва қўшиқлари унинг хаёлини забт этган бўлса, кейинчалик жаҳон адабиёти дурдоналари мақсадига айланди. 1956-1961 йиллари у Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетида таҳсил олди. Талабалик йилларидаёқ “Танишув” (1959) ҳикоясини, кейинчалик адабий-бадиий мақолаларини чоп эттира бошлайди. У ўзбек ўқувчиларига адабиётшунос-танқидчи сифатида танилди. 1973 йили “Ёнар сўз” адабий-бадиий асарлари тўплами учун Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг лауреати унвонига, 1989 йили эса “Ўттиз йилнинг изҳори” асари учун Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлди. “Ўттиз йилнинг изҳори” асари адибнинг ўз ижод йўлига бир назари, бадиий ижоднинг маҳобати ва инсонийликни улуғлаш санъати эканини англашга, очиб беришга интилиш эди. Ўзбек китобхонлари ва адабий-бадиий танқидчилик уни муносиб баҳолади. Мустақиллик йилларида Иброҳим Ғафуров ижодида миллий адабиёт тарихига мурожаат кескин ошгани кузатилади. У “Авесто” ва Қуръони Карим, Яссавий, Сўфи Оллоёр, Хоразмий, Ибн Сино, Фарғоний, Бухорий, Термизий, Бобур, Машраб, Фитрат, Беҳбудий, Ҳамза каби аждодларимиз меросига миллий истиқлол нуқтаи назаридан назар ташлайди, ундаги ахлоқий теранликлардан, илмга ташналиклардан завқланади.

Дадил айтиш мумкинки, Иброҳим Ғафуров ўзбек таржимашунослигида ўзига хос мактаб яратди. У жаҳон адабиётининг дурдоналари бўлган “Пангартра”, “Калила ва Димна”ни, мопассаннинг “Азизим”, Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо”, “Телба”, Нисшенинг ҳикматларини, Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз”, Ч. Айтматов ва В. Распутиннинг бир қатор романларини ўзбек тилига ўгирди. Ушбу асарларнинг қайта ва қайта нашр этилаётганини таржимоннинг маҳоратига берилган юксак баҳодир. Энг муҳими шундаки, адиб ҳар бир чет эл ёзувчисининг сўз маҳоратини, услубини, миллий ўзига хослигини чуқур билади ва туяди, шу боис ҳам унинг таржималари ранг-баранг бадиий мактабларга тааллуқлилиги билан ҳавас уйғотади. Улардаги бадиий-фалсафий мушоҳадалар ва психологизмнинг таъсирчанлиги ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Шу кунларда 70 ёшини қаршилаётган Иброҳим ака Ғафуровга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва ўқувчиларни шод этадиган бадиий-фалсафий дурдоналар яратишда омадлар тилаймиз. Сўзларингиз янада пурҳикмат бўлсин, устоз!

**Виктор АЛИМАСОВ,**
**фалсафа фанлари доктори.**

### Сурат ва сийрат

## Гўзалликнинг сири нимада?



Ҳамма ташқи кўриниши ҳақида қайғуради, чунки кўпчилик ташқи кўринишга қараб баҳо берилади, деб ўйлайди. Руҳшуносларнинг таъкидлашича эса қанча кўп кўзгуга тикилсак, шунча одамларни ўзимиздан итарамиз. Кўринишига қаттиқ эътибор бермайдиган одам энг гўзал инсондир. Руҳшунослар ғалати бир тажриба ўтказишди. Бир гуруҳ аёл ва эркакларни математика бўйича имтиҳон қилишди. Уларга бир хил либос кийдирилганда, натижалар тенг бўлган, Эркакларни ярашмаган кийимда яна бир бор имтиҳон қилишганда эса уларнинг бутун фикри ташқи кўринишида бўлганлиги сабабли кўп хато қилишган. Ушбу маслаҳатларга амал қилсангиз, гўзаллик сизнинг доимий дўстингизга айланади:

- Ўзингизни гўзаллар билан таққосламанг. Шу вақтгача ўзингизни бошқалар билан солиштириб, ҳеч қандай натижага эришолмаганингизни тан олинг. Улар табиатнинг сизга ўхшаш бир ноёб санъат асари.
- Бошқалар сизни бошқаришига йўл қўйманг. Агар яқинларингиз ё дўстингиз сизни чиройли эмассан, деб ишонтирса, бошингизни қотириб ўтирманг. Бу сизни бошқариш ва ҳаётингизга аралашишнинг энг осон ва ўта тубан йўлидир.
- Ҳадеб ўзингиз ҳақда ўйлайверманг. Бу сизни ўта шафқатсиз қилиб қўяди. Атрофингиздагиларга эътибор беринг, уларга ҳам қизиқиб кўринг. Дўстларингиз билан учрашинг, кўпроқ одамлар билан бўлинг, шунда ҳақиқатда ўхшаши йўқ эканингизни англайсиз.
- Тана бир воситадир. Ундан юриш, рақсга тушиш, ишлаш учун фойдаланса бўлади. Спорт билан шуғулланинг, сузишга қатнанг, фойдали маҳсулотларни истеъмол қилинг. Албатта, натижасини сезасиз.
- Ички косметикадан фойдаланинг. Бемаъни хавотирлар, луғатингиздаги “семиз”, “озғин”, “хунук” сўзларидан халос бўлинг. Кўринишингиздан ташқари бир дунё фазилатларингиз борлигини унутманг.
- Ҳамма учун самимий бўлинг. Очиқ кўнгилли эканингиз ҳам кийимингиз, ҳам ўзингизни тутишингиздан билиниб турсин. Мода орқасидан қувиш сизни баттар одамлардан итаради.
- Чирой бахтли қилмайди. Гўзаллар сиз ўйлагандек бахтли бўлавермайди. Яхшиликка ишониш ва интилиш, одамлар билан мустаҳкам алоқа қилиш инсонни чинакам бахтли қилади.

Ижтимоий сўровларнинг кўрсатишича, бахтли одам — бу ҳар нарсанинг яхши томонини кўра оладиган одамдир. Қиёфангиз ички гўзаллигингизнинг акси эканини унутманг. Ички зиё ва қалб ҳарорати гўзалликнинг асл исмидир.

**Гулгун СУЛТОНОВА**
**тайёрлади.**

# МЕНИ ЯШАРТИРДИ

***халқ рассоми Малик Набиев***

номли китоби қўлимга тушди. Китобни ўқиб, бунга теран тафаккур, катта меҳнат сарфланганлигига имон келтирдим. Кўпчилик тарихнависларни хаёлига келмаган далилларга дуч келдим. Очиғи, кўпдан бери бундай яхши асар ўқимагандим. Хаёлимда янги ғоялар туғилди. Аввалги ғайратим бўлганида Амир Темурнинг учинчи тасвирини ҳам чизган бўлардим.

“Бибихоним” портретига тўхталсак, бунга болалигимдан эшитиб келган халқ ижодига мансуб афсона, ривоят ва достонлардаги Шарқ аёлларига нисбат бериб айтилган турли ижобий сифатлар тўғрисидаги гаплар, атамаларнинг “мағзини чаққан”лигим турки бўлди десам муболаға бўлмайди.

Агар “Алпомиш” достонидаги Барчиной, “Қирқ қиз”даги Гулойим, “Фарҳод ва Ширин”даги Ширин каби аёлларимизнинг қиёфаларини маромига етказиб чизишса, бу асарлар умуммиллийлиги ва халқчиллиги билан жаҳонни лол қолдирган рассомлар Леонардо да Винчининг “Жаконда”, Рафаэлнинг «Мадонна»лари, ўзимизнинг санъат музейимиздаги Андрей Беллолининг “Соҳибжамол”идан қолишмайди.

Тасвирий санъатимизни жаҳонга кўтариш керак. Кейинги пайтда кўргазмаларда тақдим этилаётган санъат асарларида Европанинг шакл-шамойиллари кўзга ташланади. Рассом қайси йўналишда ижод этмасин, миллийлигини, ўзлигини унутмаслиги керак. Мавзуни кўчадан эмас, ўзлигидан изласа кўп нарса топади. Шу билан бирга бугунги рассомлар ичида Ғафур Абдураҳмонов, Турсунали Қўзиев, Алишер Мирзаев, Муборак Йўлдошев, Ортиқ Файзуллаев сингари истеъдодларнинг ижоди тасвирий санъатимизнинг эртанги келажагидан далолат беради.

***— Суҳбатимиз асносида “Ҳиндистонга икки марта сафарда бўлдим. Бобур яшаган, ижод қилган, кезган жойларни ўз кўзим билан кўрдим. Ҳинд халқининг Бобуршоҳга бўлган меҳр-муҳаббати мени ҳайратга солди. Айниқса, “Бобурнинг ҳамюрти”, деб мени ардоқлашганда бошим кўкка етди. Ўшандаёқ Бобур образини яратиб дунёга машҳур қиламан, деган орзу-мақсад юрагимда туғилди», — дедингиз. “Ҳинд туркуми” номли қирққа яқин ижодий ишларингиз Ҳиндистондаги сафарингиз маҳсули экан-да...***

— Ҳиндистонга борганимда биринчи навбатда кўз олдимда Бобурнинг олисларга кетиб, она юртига меҳр-муҳаббатини изҳор қилаётган ҳолати кўз олдимда намоён бўлди. Кейин ташқи кўриниши, шоҳона кийиниши, ҳиндлар аташгани каби “қаландар” — дарвешона кўриниши хаёлимни чулғади. Бобур — дилбар шахс. Руҳиятимга яқин бўлганлиги боис сиймосини яратиш унча қийин кечмади.

Бундан ташқари бу юртнинг меъморчилиги эътиборимни тортди. Ҳаётимда биринчи марта филга миниб ҳузур қилдим, ўзимиздаги туяларни эслатаркан. Шундан кейин “Йўлда” номли асарим дунёга келди. “Тожмаҳал”ни яратишимда эса мана бу воқеа сабаб бўлди.

Тожмаҳални Шоҳжаҳон севимли хотинига атаб бунёд этибдилар. Бинони қурдираётганларида Тожмаҳал битгунча усталарни сархил гўшт билан саҳий бир ўзбек қассоби таъминлаб тураркан, шоҳ бундан ўта мамнун экан. Тожмаҳал битиши билан қассоб вафот этибди. Қаттиқ қайғурган Шоҳжаҳон унинг жасадини ҳеч қаерга юбормай, Тожмаҳалга киравериш йўлагининг ўнг тарафига дафн эттирибди. Шу қабрни кўрдим, Қуръон тиловат қилдим. Уқдингизми, аждодларимиз эътиқоди, садоқати, итоатгўйлиги, мурувватпарварлиги, саҳийлиги бутун дунёда машҳур. Биз аждодларга муносиб авлод бўлишимиз керак.

***— Сиз бундан ташқари илм-фан ривожига ҳисса қўшган улуғ олиму уламоларнинг ҳам портретларини яратиб, келажак авлод қалбига, тасаввурига сингдирдингиз. Айниқса, астраном, географ, математик алломаларнинг қиёфасини тасвирлаш осон кечмагандир...***



«Бобо ва набира». 1996

— Шўро салтанати ҳукмдорлигида ўз халқи илм чашмаларидан баҳра ололмай, чет эл адабиёти ва санъати, фани ва техникасидан доим хабардорлар ўзлигини билишдан маҳрум бўлганларидан ўшаларникини мақтайверадиган бўлиб қолишганди.

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудига бағишланган анжуман бўлаётган бир пайтда, қулоғимга тоқат қилиб бўлмас, ажойиб гаплар, луқма, саволлар чалинди. 28 октябрда институтимиз залида шу мавзуда маъруза қилаётгандим. Бир олимнинг рўпарасида ўтирган тузуккина олим аёл “Билолмаяпман, Аҳмад ал-Фарғоний ким экан? Ўзбекми, арабми?” деса бўладими? Айрим тадқиқотчилар эса “Фарғоний ўз юртига сиғмаганидан Фарғонани ташлаб кетган ёки кимлардир томонидан бадарға қилинган”, деган фикр-мулоҳазалар билдиришди. Мустақиллик шарофати билан ўзбек олими ҳақидаги турли хил ғаразгўй уйдирмалар барҳам топди.

Аҳмад ал-Фарғоний қанчалик жаҳонга танилган, илмиётидан олам баҳраманд бўлмасин, унинг қиёфаси ҳақида бирор сўз дейилмаган. Ўтмишда ҳам бирор сурати ишлангани ҳам маълум эмас. Шунинг учун аллома қиёфасини – тасвир сиймосини яратиш анча мураккаб кечди.

Беруний портретига келсак, бу буюк сиймо устида 32 йил изланиб, уч хил қиёфасини яратдим. Биринчиси 1949 йили алломанинг 900 йиллигини нишонлаш муносабати билан танловда эълон қилинган бўлса, иккинчиси 1950 йилда, учинчисини 1973 йилдаги Абу Райҳон Берунийнинг 1000 йиллигини ўтказишга бағишланган катта танловда тақдим этдим. 30 дан ортиқ асарлар ичида бу портрет тан олинди. ЮНЕСКО томонидан чиқариладиган “Курьер” журналининг 1974 йил июль сони муқовасида Беруний портрети дунё халқлари қўлига етиб борди. Журналнинг ушбу сонида Берунийнинг Эрон, Афғонистон, Сурия, Туркия ва Покистонда ишланган портретлари ҳам берилганди. Ҳар учала асаримни ЮНЕСКО тан олиб, “Дунё бўйлаб тарқаладиган асар”лар сирасига киритилганлиги ҳаётимдаги энг қувончли воқеа бўлди.

***— Ижодкор барибир кўнгил одами. Турли хил кайфиятда бўлади. Айни пайтда кўнглингиздан нималар кечаяпти. Ташвишларингизга шерик бўлсак дегандим...***

— Йиллар кетидан йиллар ўтавераркан. Кўз очиб юмгунимча тўқсон уч йил ўтибди-я. Ҳаётимдаги энг унутилмас учрашувлар Америка, Франция, Испания, Швеция, Африка, Англия мамлакатларида бўлди. 33 та рангтасвир асарларим хорижий мамлакатларда, 25 таси Россия музейларида (“Беруний”, “Бобур” портретлари ва бошқалари) сақланади. Финляндия, Норвегия, Белгия мамлакатларида ҳам бор. Масалан, Белгия мамлакати “Амир Темур элчиларни кутиб олиши”, Япония эса “Натюрморт” асарларимни ёқтириб сотиб олган. Дилимда армон бўлиб қолган орзу-умидларим ушалди. Кайфиятим жуда яхши. Шогирдларим, невара, чевараларим қуршовида кунтунни қандай ўтаётганлигини сезмай қоламан. Аммо шиддат билан ўтаётган мустақилликнинг навқирон, бунёдкор йиллари кексалик чоғимга тўғри келди. Лекин бугунги замонамиз қаҳрамонларининг сиймосини яратиш хаёлимда бор.

**Адиба УМИРОВА**
**суҳбатлашди.**

### Ёшлар ижоди

# ВАТАННИ СЕВИШ ҲАМ ИБОДАТ



## БАХТ МАНЗИЛИ

*Отам бизни мендан бахтли бўлсин, деди,*
*Онам бизни умри нурга тўлсин, деди.*

*Йўлимизда кунларини қурбон қилиб,*
*Ойга чиқдик елкаларин нарвон қилиб.*

*Ғамларини кўзларига қамаб қўйди,*
*Юраклари кемтик эди, ямаб қўйди.*

*Юзимизга шамол тегмай катта бўлдик,*
*Бошимизни ерга эгмай катта бўлдик.*

*Қайғулари олам экан, олам экан,*
*Оламлардан кенгроқ одам отам экан.*

*Қорлар ёғса, қучоғига қочиб бордик,*
*Сочларига оқ гулларни сочиб бордик.*

*Кўнглингизнинг дарёларин кўп қуритдик,*
*Она, сизни меҳнат эмас, биз қаритдик.*

*Ёнингизда не талашдик – ғавғо қилдик,*
*Эвазига фақат дардлар совға қилдик.*

*Сиз деб ҳатто игнани ҳам харж қилмадик,*
*Ота-она кўнглин нега Ҳаж билмадик?*

*Умрингизни ўғирладик, ёшлик қурсин,*
*Худо Сизга кўпроқ қилиб қайтиб берсин...*

*Фақат бахтсизлигим ё бахтимгами,*
*Пешонамга Одам бўлиш ёзилган...*

## ҚИСМАТ

*Риёни билмайди азим дарахтлар,*
*Ҳеч кимга сездирмай қилар ибодат.*
*Сирларин бой бермас, ўтса-да вақтлар,*
*Мудом сукут—одат, тафаккур—одат.*

*Жони оғрийдими – безовта, бедор,*
*Баъзан ошиқлардай сармаст ҳислардан.*
*Дарахтлар капалак каби беозор,*
*Ким зиён кўрибди шу мунислардан?*

*Мен ҳам битта дарахт бўлгим келганди,*
*Шохларига қуёш, ойлар осилган.*

## ИШҚВАТАН

*Энг тўғри баҳони халқ берган,*
*Эркинлик – ҳақ сўзга итоат.*
*Шу юртни суйсин деб Ҳақ берган,*
*Ватанни севиш ҳам ибодат.*

*Ялтироқ хорижнинг либоси,*
*Кўзларни ўйнатар жилоси...*
*Тупроқча бўлолмас тиллоси,*
*Ватанни севиш ҳам ибодат.*

*Онангга яхшилик қилгандай,*
*Отангнинг кўнглини олгандай,*
*Болангга Бахт мерос қолгандай,*
*Ватанни севиш ҳам ибодат.*

*Қалбингга иймонни тож қилгин,*
*Йўлида жонингни харж қилгин,*
*Ватанда туриб ҳам ҳаж қилгин,*
*Ватанни севиш ҳам ибодат.*

*Бахт пайдо Эл деган дардингдан,*
*Кўнглингни кўчирма юртингдан,*
*Қуёшни эргаштир ортингдан,*
*Ватанни севиш ҳам ибодат.*

*Гарчи Ой олисдир, йўл йироқ,*
*Муҳаббат – беминнат йўлчироқ,*
*Эй, Ўзбек – манглайи ярқироқ,*
*Ватанни севиш ҳам ибодат.*

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН**

# Ўттиз йилдан сўнг...

***Инсониятга хизмат қилиб келаётган минглаб касб-ҳунарлар асрлар давомида шаклланиб, ривожланган. Баъзи касбкорлар авлоддан-авлодга ўтиб, сулолалар пайдо бўлади.***

Янги касблар-чи? Тараққиётнинг нақадар тезлашганини қарангки, эндиликда ҳар чорак, ҳар ойда янги касб пайдо бўлиб, таомилга кирса-да, биров ҳайрон бўлмайди. Кўпчиликнинг эсида: бундан атиги йигирма йил аввал биз ҳозир яхшигина ўрганиб қолган кўплаб касблар умуман йўқ эди. Масалан, тизим маъмури (системный администратор) ёки РК-менежери сингари касблар шулар жумласидан. (Бу рўйхатни ўзингиз ҳам анча-мунча давом эттиришингиз мумкин.) Ғарбда эса ўшанда нанотехнология ва 2Д аниматори касбларининг бўлажак эгалари энди-эндигина шахсий компьютерлар билан «тиллашиш»ни ўрганаётгандилар.

Энди нигоҳимизни келажакка қаратайлик: бир неча ўн йилдан сўнг одамлар қандай касблар билан тирикчилик қиладилар? Қандай янги касблар пайдо бўлиб, қайсилари йўқолиши мумкин?



## ВОДОРОД ВА ТЕМИРТАНЛАР

Мутахассисларнинг фикрича, автоматлаштириш ва роботлаштириш жараёни ҳаётимизга кенг жорий этилиши натижасида биз ўрганган жуда кўп касблар бутунлай йўқолиб кетиши мумкин экан. Масалан, дўконларда ҳисоб-китоб тўлиқ автоматлаштирилиши оқибатида кассир деган ходимга ўрин қолмайди. Шунингдек, хат ташувчи ва қирувчи самолёт учувчиси касблари ҳам ўтмишга айланади. Чунки 2036 йилларга келиб, одамлар хат-хабар ва ҳужжатларни тўлиқ электрон почталар орқалигина жўнатишга ўтиб кетади. Ҳавода эса учувчисиз самолётлар муросасиз сўкишаверадилар. Роботлар ҳаммаёқни чиннидек тозалайвергач, фаррошларга ҳам ҳожат қолмайди.

Сезаётган бўлсангиз, киноханик касби барҳам топади. Тўғри, ҳозир кинотеатрлар яна томошабинлар билан тўлиб боряпти. Лекин яқин келажакда барча фильмлар ишқибозларга интернет орқали узатилади. Инсоният «парник эффекти» оқибатида «иссиқ уриши»нинг олдини олиш мақсадида, ёнилғи сифатида водороддан фойдаланишга ўтади. Шунингдек, қуёш, сув ва шамол энергиясидан ҳам кенг фойдаланилади.

## ҚАЙСИ КАСБНИНГ БОШИНИ ТУТМОҚ КЕРАК?

Хавотирга ҳожат йўқ. Маталда айтилганидек, «ишловчига иш, еювчига ош» доим топилади. Негаки, йўқолган касб ўрнида янгиси албатта пайдо бўлади. Йўқса, инсоният ишсизлик ва бекорчиликдан аллақачон эрикиб, худбинлашиб кетарди. Хўш, мутахассислар яқин йигирма-ўттиз йиллардан сўнг қандай касблар туғилишини башорат қилишмоқда?

Масалан, ирсият муҳандислари касби пайдо бўлиб, уларга талаб юқори бўлиши мумкин. Чунки улар иш берувчиларга бўлажак ходимнинг ДНК занжирини «ўқиб», жамийки фазилатлари-ю камчиликлари ҳақида аниқ маълумот берадилар.

Темиртан (робот)лар ҳар қанча мукаммал бўлмасин, барибир уларни Ҳазрати инсон ясайди. Бинобарин, бу темир қавм бузилса, уни таъмирловчиларга эҳтиёж туғилади. Шунинг учун темир-терсак ва электроника буюмларини кавлаштиришни хўш кўрувчилар хавотирланмаса ҳам бўлади: уларга иш етиб ортади. Фақат баъзи механик ва электрончилар озгина малака оширсалар бас, олам гулистон.

Машиналар водородда юргач, ёнилғи шаҳобчалари ходимлари ҳам касбларини жиндек ўзгартирадилар. Шу билан бирга, кўриниб турибдики, водород ёнилғисини ишлаб чиқариш бўйича янги технологиялар пайдо бўлади. Бу ўз навбатида, янги корхоналар ва хизмат кўрсатиш тизимларини барпо этиш демакдир. Мана сизга истаганча иш!

Касбни ўзгартириш масаласида қирувчи самолётларнинг учувчилари ҳам ташвишланмасалар бўлади. Улар дирижаблларни бошқаришга ўтишлари мумкин. Келажакда катта умид билдирилаётган бу учиш воситалари аслида янгилик эмас. Дирижабллар ўтган XX асрнинг 30-йилларида кашф этилган эди. Мутахассисларнинг фикрича. ҳаво нақлиётининг адолатсиз унутилган бу тури яна осмон кенгликларини забт этиши эҳтимоли жуда катта.

Фараз

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ**

## Теннис маликалари баҳси



Испания пойтахти Мадрид шаҳрида WTA таснифи бўйича йилнинг энг нуфузли турнири якунланди.

Аёллар ўртасидаги мусобақа финалида бельгиялик Жюстин Энен Эрден россиялик Мария Шарапова билан баҳс юритди. Уч ярим соат давом этган ўйинда бельгиялик ракетка устаси муваффақият қозонди. Бу билан 25 ёшли теннисчи ўзининг узлуксиз ғалабалар сериясини 25 тага етказди. Жюстин ушбу мавсум мобайнида ўндан ортиқ турнирда ғолиб бўлди ва умумий қиймати 5 миллион долларлик мукофотларни қўлга киритди. Бу эса унинг жаҳон теннисি тарихидаги яна бир ютуғи сифатида қайд қилинди.

## Кличко боксга қайтди

Мутлақ вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони Виталий Кличко катта рингга қайтмоқчи эканлигини билдирди.

Гап шундаки, 2005 йилда украиналик спортчи бокс оламидаги энг нуфузли камарни қўлга киритгандан кейин ўзининг рингдаги фаолиятини якунлашини таъкидлаганди. Ҳатто, америкалик чарм қўлқоп устаси Ҳассим Раҳмоннинг чақириқларини бир неча бор рад этганди.

Жорий йилнинг сентябрида у яна бир АҚШлик боксчи Жамил Маклайн билан баҳс юритиши керак эди. Аммо, Кличконинг жароҳати борлиги туфайли жанг қолдирилди. Шундан сўнг жаҳон чемпионининг боксни тарк этиши хусусидаги хабарлар яна авж олди. Кеча эса Виталий Кличко катта спортда қолишини эълон қилди ва биз тез орада унинг иштирокидаги жангларни кўришимиз мумкин.

Спорт

## Муҳим ўйин олдидан

Санкт-Петербургнинг «Зенит» футбол клуби Россия чемпионатидаги дастлабки чемпионлик унвонини қўлга киритди.



Сўнгги турда «Сатурн» жамоаси меҳмони бўлган питерликлар 1:0 ҳисобида зафар қучишди ва Москванинг «Спартак» клубидан икки очкога ўзиб кетишди. Ушбу ғалаба шарафига уюштирилган байрам тантаналарида айрим тартибсизликлар келиб чиққан бўлсада, бу воқеа футбол ишқибозларининг хурсандчилигини бўлмади.

Мутахассисларнинг фикрича, чемпионлар «алмашинуви» мамлакат футболининг савияси тобора ривожланаётганидан дарак беради. Шунингдек, бу ғалаба Россия терма жамоасининг ўйинига ҳам ижобий таъсир қилади.

Шу боис бўлса керак, бош мураббий Гус Хиддинк Евро-2008 саралаш баҳслари доирасида бўлиб ўтадиган сўнгги учрашувда Исроил терма жамоасини ютишга қатъий ишонмоқда. Қолаверса, исроилликлар сардори, англиянинг «Ливерпул» клуби аъзоси Йосси Бенаюн бу учрашувда майдонга туша олмас экан.

**Анвар САМАДОВ**

Эссе



Ҳаким САТТОРИЙ

# ҚУЁШНИ ЕЛКАЛАГАН ЧЎҚҚИГА БОҚИБ

***“Қалбимдаги “Соҳибқирон” қўшиғи” туркумидан***

Ерда жонланиш, тириклик тонг отишидан бошланади. Уфқда қуёшнинг кўриниши билан жами ҳаракатларда суръат ва шиддат пайдо бўлади. Қуёш зарралари ўз ҳарорати билан борлиқдаги мавжудотга илҳом бағишлайди.

Ҳаммамиз, эҳтимол, қуёш чиқишини турли нуқталардан турли вазиятларда кузатгандирмиз, бироқ болаликда, онамиз бағрида тонг оттириб, ҳали тафти совимаган тўшакни эринганча тарк этиб, бўғот остида тиззани қучоқлаган кўйи бобо қуёш сайрини кузатган лаҳзалар мурғак вужуднинг катта йўл бошида чуқур ўйга ботиб турган ҳаяжонли дамларига ўхшайди энди.

... Етти болорли уй, ундан даҳлизга чиқилади. Даҳлиз олди очиқ. Бино қирликда жойлашгани учун айвон тизза бўйи тош тахлаб кўтарилган. Одатда, ота-онам қўй-эчкини сурувга ҳайдаб кетган бўларди. Хилват ҳовлида ҳали бугунги ўйинларини чўтлаб олмаган, ҳали жўралари ҳам уйқудан уйғонмаган бола мук тушиб, бошини тиззалари орасига бекитиб, офтобнинг Бовурчи чўққиси ортидан чиқиб келишини кузатади. Секин уйғонаётган тоғ тизмалари кўкимтир ғубор ичида жимирлайди, миллиард чақиримлаб наридан ташриф буюраётган ҳарорат баданга хуш ёқади. Бутун ёз, кузнинг аксарият иссиқ кунлари шу ҳолда бошланади, шу тарзда кечади.

Йиллар ўтиб, зеҳним уйғонгач, бу қўл етмас жойларга оёқ етиши мумкинлигини идрок эта бошладим. Қолаверса, бизнинг ва қариндошларимизнинг ёзлик яйлови шу томонларда экан. Энди чўққи этагидаги қияликлар тубида, харсанглар бағрида, зовлар, даралар қаърида нима синоатлар борлиги билан қизиқа бошладим. Бу жойларнинг номлари ҳам қизиқ эди: Хўжапирпир, Ҳусанўлди, Чўпонучди, Ғўтала, Ёғтўкилди, Ахтабулоқ, Зоғчахона ва Қалъаи Шерон. Кичиккалъа деган жой ҳам бор эди. У Бовурчига яқинроқ, анча баландликда, унинг оппоқ тошлари бағридан оқиб чиқувчи жилға қуйига палахмон тошидек интилар ва Ғўлмараша орқали Қалъасуви дарёсига қўшиларди. Ғўлмараша уч чақиримлар давом этувчи тор дара бўлиб, икки томондаги тоғлар деярли бир-бирига тегиб тургандек яқин, шунданми, ерга кам қор тушар, пана жойлари қиш бўйи қуп-қуруқ бўларди. Ғўлмараша орқали Қалъаи Шеронга кириларди Ғўлмараша Кичиккалъа ва Қалъаи Шеронни ўткир бурчак тарзида бирбирига туташтирарди. Болалик, ўсмирлик йилларим шу жойларда ўтган. Ҳар бир арча, ҳар бир бурум, сакиртма таниш ва қадрдон, бу жойларнинг соғинчи юракни охиригача тарк этмайди.

Айниқса, қуёш ҳар кунги сайрини бошловчи чўққининг биз томондан қараганда ўнг тарафидаги Қалъаи Шерон дарасининг қуюқ ғубор ичида элас-элас кўринувчи мавҳум ва сирли манзараси кўз олдимдан кетмайди. Дара сидирға тоғ тизмасини улкан ангшивонадек ўйиб тушган, ундаги қор сувларидан пайдо бўлувчи дарё шарқ тарафни банд қилган тоғни тилимлаб, ўзига йўл очган эди. Эрталабки қуёш ёғдусида дара кулранг ғуборга тўлиб тургандек туюлар, Сарингул тарафдан беш юз метрча тик тушган силлиқ қоялар офтобда ялтилларди. Ёзи билан қори эримайдиган Ҳисор тоғлари бағридаги бу гўша ҳар қандай ошуфта дилни ўз оғушига чорлар, унга суқланиб қараган киши беихтиёр висолига ошиқ бўлиб қоларди. Аслида, инсон ҳам табиатнинг бир бўлаги экан, унинг ижоди табиатга тақлид бўлиб қолаверади, гўзалликнинг, нафосатнинг, ҳатто эзгуликнинг энг нодир тимсолларини фақат табиатдан топиш мумкин. Бу даъвони соҳир гўшаларда юз, минг йиллар билан ўлчанувчи тарих, ўша жойларга инсон зотининг қадам ранжида қилгани, паноҳ ва ором топгани далили ҳам исботлайди. Ана шу дарада, ялтироқ тик қоянинг қарши тарафида бир ғор борки, у чинакамига гўзал табиат ва боқий тарихнинг муштарак рамзига айланиб улгурган.

...Бола улғайди, уни мактабга бердилар. Эсини танигунча 3-4 синф ўтиб ҳам кетди. Ногаҳон, ёзги таътил бошланган илк кунларда мактаб ҳовлисида катта йиғин бўлди ва директор табиатга экскурсия уюштирилишини эълон қилиб қолди. Экскурсия табақали этиб ташкил қилинганди. Энг кичкинтойлар қўл етадигандек жой Намозгоҳ, Хишайни ёки Деҳворонга, ўрта ёшлилар Қиннок, Шоғолоғзи ёки Гўриморга, катта болалар (улар энг бахтли эди) — Қалъаи Шеронга, яъни Амир Темур ғорига боришадиган бўлди!

Ғорларни ҳеч ким қўл билан ковламаган, улар Яратганнинг ўзи жумлаи жаҳонга тартиб бераётганда пайдо бўлиб қолган. Ғорлар турли табиий офатлардан табиий иҳоталанган, бегона кўзлардан йироқ жойлар. Шунданми, одамзот таржимаи ҳолига доир энг нодир ҳужжатлар (ашёлар), инсон қўли ва оёғининг ўчмас ҳароратлари ғорларда яшириниб қолган. Агар йўлингиз тушиб, Тошкўрғон қишлоғи яқинидаги Амир Темур ғорига бориб қолсангиз, бу ҳақиқатни дастлабки лаҳзадаёқ ҳис этасиз: одам қадамидан холи, узоқ-узоқларда айқириб ётган дарада, аникроғи, ғорнинг кириш қисмида тош тахлаб ясалган улкан супа бор. Баландлиги 7-8 метр, узунлиги 20-25 метр келадиган бу супанинг умри Самарқанддаги Хўжаи Хизр масжиди билан тенгдиров. Негаки, бу ғорда VII-VIII асрларда умргузаронлик қилган Ҳошим ибн Ҳаким — Муқанна қадам ранжида қилгани ҳақида тарих китобларида аниқ-тиниқ маълумотлар бор. Бугунги кунда бу ғор Муқанна эмас, Амир Темур номини география хариталарида дарж этиб турибди.

Шубҳа йўқки, болаликнинг қизиқишларга тўла дунёсида мактаб ҳовлисидаги ўша йиғилиш кичиклар қалбига ғалаён олиб киради. Энди тезроқ улғайиш, тезроқ «Ғор сафарини азимат қилиш» учун шошади. Менда ҳам шундай ҳис бор эди. Ғорга бориб келган акаларимга ҳавас билан қарар, уларнинг ҳикояларини тинглар, саволлар берар эдим. Рости, у пайтда бизни табиат экзотикаси, ғор қизиқтирган, бошқа нарса эмас.

Ниҳоят, кутилган кун келди. VIII-X синф ўқувчилари бирга экскурсияга чиқадиган бўлдик. Қийқириқ, шовқин-сурон билан йўлга тушилди. Кимлардир эшак миниб олган, кўпчилик пиёда. Болақадам билан секин-секин кетаяпмиз. Қишлокдан чиқиб, тоққа ўрлагач, йўл қийинлашиб бораверади. Тор, эгри-бугри тошлоқ сўқмоқдан юриш осон эмас, яна нуқул юқорилаб кетиш керак. Бир оз юриб, терлагач, ҳафсала ҳам пир бўла бошлади. Бу орада кимдир сирпаниб, 2-3 йиқилган, бошқаси онаси белбоққа тугиб берган нонни аллақачон еб олган, бировнинг эшаги тўқимини ташлаган. Хуллас, олақуроқ «лашкар» йўлда давом этарди. Кун нишаблаганда аранг Ҳўкизбурунга етдик. Бу ҳолда қоронғу тушганда ҳам ғорга боролмаслигимиз аниқ. Устозлар маслаҳатлашиб, сафарни шу жойда якунлайдиган бўлишди. Шовқин-сурон билан ортга қайтилди. Ғорни кўриш орзуси яна бир йилга кечикадиган бўлди.

Мактаб болалари ҳар йили ғорга чиқаверишмасди. Баъзи йиллари тоғларга ҳаддан ташқари кўп қор тушар, дарё сувлари баҳор-ёз ойлари шаштидан қайтмас, шундай паллада эҳтиёт шарт, болалар дарага бошлаб борилмасди. Йил бўйи ғор иштиёқи жунбушга келганда, кўнглимизда устозларимиз фикри ўзгармай қолишини-ю, ғор сафари амалга оширилишини илтижо қилиб ўтдик. Ўқувчиликда кичикларнинг катта оламида ўқитувчи мутлақ ҳукмдор ҳисобланади. Унинг хоҳиши, азму қарори бола тақдирида туб ўзгаришлар ясайди. Биз ҳам синф раҳбаримизга, география, биология муаллимларимизга чуқур умид билан боқар, уларга зимдан иштиёқ ва ғайрат тилар эдик.

Ҳар ҳолда, бу йил ҳам орзумиз армонга айланмайдиган бўлди. Устозларимиз қатъиятли ва бироз қайсарроқ эди — май ойининг охирларида мактаб жамоаси яна сафарга отланди. Назаримда, бу гал ўқувчилар яна ҳам кўп, қизиқиш яна ҳам баланд, шовқин-сурон баттар авжида эди. Табиатнинг бетимсол гўзаллиги завқимизни янада жўштирди. Атроф тип-тиниқ, тоза, баҳор гулларининг муаттар ҳиди борлиқни тутган. Бир бора ўтган йўлдан такрор юрилса, машаққат тенг бўлинар экан, чунки қаерга қадам қўйишингни, қачон бошингни эгиб, қоя ёки дарахт тагидан ўтишингни, олдинда текислик, ўр ёки нишаб келишини биласан, шунга ўзингни тайёрлайсан ва, демак, қувватинг кам исроф бўлади. Бу гал ўтган йилги маррага тез ва барвақт етиб келинди. Ғорга етиш тайиндек эди. Шундай ҳам бўлди, бироқ қоя бағрида қорайиб турган ғор оғзига кўзимиз тушганда қанчалик шодланган бўлсак, унга етиб олгунча шунча кунимизни кўрдик.

Илонизи йўл қияликдан келади-да, кафтдек текис жойдан чиқиб қолади, шу ердан ўн қаватли бинога тикилгандек тепага қаралса, ғор кўринади. Унга етиш учун, аввало, кўприкдан ўтиш лозим экан. Кўприк ўрнида ётқизилган 4-5 арча устунлари турар, улар орасидаги шох-шаббаларни сув ювиб кетган, болдирлари ҳам омонат эди. У шу кўринишида жуда жулдур туюлса ҳам, олис йилларга дахли бордек эди. Уни ким қурган, биринчи бўлиб ким ўтган — бундай саволлар устида бош қотириш кишини ўтмиш билан вобаста қилиб қўяди. Ёғочлар орасидаги ёриқларга тош, шох ташлаб, кўприк эпақага келтирилди-да, «лашкар» ундан ўтиб, юқорига ўрлади. Энди майда қийирчоқ тошли тик қияликдан деярли ўрмалаб, бир чақиримлар тепага кўтарилиш керак. Ҳар қадамда арчалар, улар қумурсқадек ёпирилиб келган оломоннинг шаҳдини сокин кузатади. Арчани минг йил умр кўради, дейишади, шу ҳолда у қандай синоатларга гувоҳ, кимларга паноҳ бўлган, кимларни кузатган, афсуски, бу асрорлар на унинг танаси ёки баргларига ёхуд бағрида ёнбошлаб ётган супа тошларга ёзилмаган. Тарих гарчи бизни ўраб турса-да, биз уни кечиб юрсакда, сирлилигича, мавҳумлигича қолаверади.

Ғор оғзидаги супага етиб олишнинг завқи Эверестни забт этиш қувончидан кам эмас эди. У ердан ҳозир ўтилган йўлга, кўприкка, қояларга, дарага бемалол назар солиш, бу соҳир манзарани қароқларга жойлаш, ўпкани тўлдириб нафас олиш ва ўзингни бир қадар бахтли ҳис қилиш мумкин эди. Кимки шундай баландликларга кўтарилса, унга бир улуғворлик юқади, ҳар қандай ҳаёт ҳодисасига юксакликдан назар ташлайди, унинг тасаввури, идрок доираси кенг бўлади, бир сўз билан айтганда, уларга «назари баланд»лик насиб этади. Ҳа, турмуш қуйқаларидан бир зум силтаниб чиқиб, тоғларга бориш, чўққиларга кўтарилиш керак. Шунда одам излаб юрган нарсасини топар, яшаш ҳикматини англар. Албатта, мен илк дафъа ўша жойда кечирган ҳиссиётларимни тиклашга ожизман, бироқ хотираларга қулоқ тутганимда шу эътирофлар беихтиёр қоғозга тушди.

*(Давоми келгуси сонда).*

**Фикр**

**Инсон тўғрилик билан улуғликка етади.**
**Абдулқодир НУРИЙ**

Хандалар

# «Кеча уйда эмас эдим...»

Мажлисдан кеч қайтаётган дангасадан сўрашди:
- Йиғилиш қандай ўтди?
-Жуда ёмон ўтди.Қарсак чалавериб ухлатишмади.

x x x

***- Азизим, истасанг осмондаги ойни олиб беришим мумкин,-деди эр.***
***- Ой-пойингиз билан ишим йўқ!-деди хотин.- Бугун уйда ўтирасиз!***

x x x

- Нега энди сиз шу даражада ғирт маст бўлиб қолдингиз?- деб сўради судья айбланувчидан.
- Биласизми, судья жаноблари, мен ёмон улфатларга йўлиқиб қолдим.Биз тўрт киши эдик.Менда бир шиша арoқ бор эди, аммо улфатларим ичишни хоҳлашмади.Мана, оқибатини кўриб турибсиз...

x x x

**- Хотинимнинг жуда ёмон бир қилиғи бор-да. Ҳар гал мени уйғотиш учун ичимга мушукни тиқиб қўяди.**
**- Хўш, нима бўпти? Бунинг нимаси ёмон?**
**- Мен кучугимни олиб ётаман-да!**

x x x

Бир қўпол одам дўстини ҳафа қилиб қўйиб, кечирим сўрапти:
- Ҳафа бўлма, оғайни, асли лойимни шундай қоришган.
- Лойингни қоришга қоришипти-ю, аммо тепиб пишитишмапти-да!

x x x

**- Ўғлим, уйланганингдан кейин ҳақиқий бахт нима эканлигини тушунасан,- деди ота.**
**- Наҳотки?!- деди ўғил ҳайратланиб.**
**- Лекин вақт ўтган бўлади,- деди ота хўрсиниб.**

x x x

Эр хотинга деди:
- Мен ҳозир ётиб ухлайман.Ичгим келганида мени уйғотиб қўйгин.
- Ичгинг келганини мен қаёқдан биламан?
- Уйғотиб қўйсанг бас...

x x x

**- Кеча деразангдан хотининг билан ўпишаётганингни кўриб қолдим.**
**- Хўп қизиқ гапларни гапирасан-да.Мен кеча умуман уйда эмас эдим.**

x x x

Ширакайфароқхўр улфатига хасрат қилмоқда:
- Хотинлар борасида ҳеч омадим чопмади-да.Биринчи хотиним мени ҳайдаб юборди,иккинчиси мендан кетиб қолди. Учинчиси халиям мен билан яшаяпти.

**Шодмон ОТАБЕК тўплаган.**

***Газетамизнинг навбатдаги сони 28 ноябрда чиқади.***

HURRIYAT Mustaqil gazeta O'zingni angla!

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

**Тел-факс:** 133-36-02. **Тел:** 136-53-31, 136-53-38, 136-75-15
**Реклама ва маркетинг бўлими:** 136-56-38

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

**Бухоро** — 8-365-715-30-57
**Наманган** — 8-369-412-31-54
**Самарқанд** — 8-366-233-62-12
**Сирдарё** — 8-367-374-81-53
**Сурхондарё** — 8-376-335-10-22
**Тошкент** — 8-370-762-16-86
**Фарғона** — 8-373-225-80-58
**Хоразм** — 8-362-226-20-80
**Қашқадарё** — 8-375-221-78-50
**Қорақалпоғистон** — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.30

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-1054 Т: 2266 2 3 4 5 6